БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 28 февраль Чоршанба № 41 (13. 477). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ҳақиқат «хизматкор» бўлмаслиги керак

Бугунги комсомол матбуоти — бу кўпмиллионли муштарийларга эга бўлган 258 рўзнома ва журналдир. Улардаги муаммолардан бири аксарият ҳолларда кўнгилсизлик билан туговчи комсомол рўзномалари редакциялари ва ВЛКСМ қўмиталари ўртасидаги ўзаро муносабатдир.

Фикримча, ушбу низоларнинг асосий сабаби аввалambор ёшлар қатламида кучайиб бораётган фикрлар хилма-хиллиги ва аппаратнинг ҳақиқатга бўлган яккаҳокимликни сақлаб қолишга бўлган уриниши ўртасидаги зиддиятдир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозирги пайтда комсомол қўмиталари аниқ-равшан сиёсий ҳаракатнома ва позицияга эга бўлмаган бир шароитда ўз регионида ягона ёшлар нашри бўлиб қолган комсомол рўзномаси у ёки бу тарзда муштарийлар талабини қондиришга интилади ва умумёшлар нашрига, редакциянинг ўз органига айланиб қолади.

Жамият миқёсида ушбу жараён сўзсиз ижобий хусусиятга эга. Айни пайтда комсомол учун агарда у ўзининг матбуот органи билан бўлган муносабатни ўзгартирмаса, мазкур жараён ўз матбуотини йўқотиш билан тугаши мумкин. Бу ҳақда гапиришимизнинг боиси шундаки, матбуотга жамоачилик асосда раҳбарлик қилиш аксарият ҳолларда редакция ишига аралашиш, қаламкашларни «кишанбанд» қилиш имконияти, ҳатто бурчи сифатида тушунилади. Бунинг устига матбуотни ўз муваффақиятсизлигининг асосий сабабчиси деб билишга бўлган интилиш ҳам кучли.

Ўтган йили Архангельск ва Кировда диққатга сазовор икки воқеа бўлиб ўтди. ВЛКСМ вилоят қўмиталари пленумларида ўзига хос редакцион низомлар қабул қилинди. Уларда комсомолларнинг ўз рўзномалари, комсомол қўмитасининг матбуот органи билан ўзаро муносабатлари, бош муҳаррир, таҳрир ҳайъатининг ваколатлари, қаламкашлар ҳуқуқлари, муддатни ҳал этиш тартиблари белгиланган. Ана шу пленумларда ёшлар рўзномаларининг таҳрир ҳайъатлари тасдиқланди. Уларга қаламкашлардан ташқари вилоятлар комсомол қўмиталарининг аъзолари ҳам киришди. Энди муҳаррирлар аппаратга эмас, пленумга ҳисоб берадилар. Бунда рўзнома кимнингдир — муҳаррир, вилоятқўм котиби ёхуд аппаратнинг эрмаги бўлиб қолмайди, балки жумҳурият, ўлка, вилоят комсомол қўмитасининг чинакам сиёсий органига айланади.

Ечими қийин бўлаётган тугунлардан яна бири ёшлар рўзномалари редакциялари ва фирқа органларининг ўзаро муносабати. Муҳаррир амалда уч ўт орасида — унга вилоят комсомол қўмитаси, вилоят фирқа қўмитаси ва рўзнома чоп этиладиган фирқа нашриёти раҳбарлик қилади. Улар орасида энг кам ваколатлилиги вилоят комсомол қўмитасидир. Сиёсий ҳокимиятни КПСС вилоятқўми билан бўлишади, иқтисодий жиҳатдан эса умуман ҳуқуқсиз. Ҳозирги кунда бундай ҳолат комсомолнинг ташкилий мустақиллиги принципига мутлақо зид келмоқда.

«Бизнинг вилоятимизда, — деганди ВЛКСМ МҚ пленумида СССР халқ депутати, Соломбальск целлюлоза-қоғоз комбинатининг муҳандис-технологи Виктор Губин, — цензорга имзо чекиш учун берилган материалнинг шу замон, у чоп этилмасдан вилоят фирқа қўмитаси ходимларининг иш столида пайдо бўлиши оддий воқеа бўлиб қолган. Шундан сўнг ўша заҳоти «юқори қаватдагиларга» ёқмаган мақолани шу сондан олиб ташлаш тўғрисидаги илтимос, ҳатто талаб билан муҳаррирга ёки вилоят комсомол қўмитаси котибига қўнғироқ қилишади.

Мазкур пленумда эскирган муносабатларни ўзгартириш юзасидан таклифлар ҳам билдирилганди. Мана улардан бири. «Ўзимнинг ва вилоят комсомол қўмитаси бюросининг таклифи қуйидагича: бутун комсомол матбуотини асосий ва қўшимча фондлари билан комсомол ташкилотлари бюджетига ўтказиш тўғрисидаги таклиф билан фирқага мурожаат этайлик. Ана ўшанда бизнинг матбуотимиз икки маънода эмас, том маънода комсомол матбуоти бўлади, фирқа эса комсомолда ишлаётган коммунистларга дўстона ва ишонч руҳида муносабатда бўлишга интилаётганини амалда исботлайди». (Владимир Матиенко, Иркутск вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби).

Албатта масалага худди шундай бир тарафлама ёндашадиган бўлсак унда жуда хунук манзаранинг гувоҳи бўламиз. Ваҳоланки, аксарият ҳолларда бу муносабатлар ўзаро ишонч, бир бирини қўллаб-қувватлаш ва тушунишга асосланган. Бошқача бўлиши мумкинми? Наҳотки, фирқа ва комсомолнинг мақсадлари бир биридан кескин фарқ қилса?

Шунинг учун ҳам биз, Марказий Қўмитадагилар матбуотда айтиладиган ҳар бир сўзга масъулият билан ёндашишни, қайта қуриш душманларига матбуотни қоралашга имкон бермасликка чақирамиз.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик ва сиёсий структуралар билан бўлган муносабатлари ҳуқуқий асосга қурилган бўлиши лозим. Биз ВЛКСМ МКнинг VIII пленуми резолюциясига ҳам худди шундай деб ёзиб қўйганмиз. МҚ шу муносабат билан матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонуннинг тезроқ муҳокамага чиқарилишини ва қабул қилинишини ёқлаб чиқди. Ушбу Қонун матбуот ва фирқа, комсомол органлари ўртасидаги муносабатлардаги мавжуд қарама-қаршиликларга барҳам бериши, қаламкашларнинг ҳуқуқларини белгиловчи қонуний актларни тартибга солиши керак. Қонун қаламкашнинг ижтимоий мақомини белгилаб бериши, унинг сиёсий арбоб сифатидаги ролини кўтариши зарур. Шу боис қонун ходимлари КПСС, ВЛКСМга нисбатан танқидий, аммо конструктив оппозицияда бўлган ўз қарашларини очиқ-ойдин айта оладиган рўзнома, журналлар яратишни кўзда тутмоғи лозим.

Ҳозир комсомол ва кашшофлар матбуотидан ташқари ёшларнинг турли қатламлари фикрларини ўзида акс эттирувчи бошқа ёшлар нашрига эга бўлганимизда яхши бўларди, деган масала кўндаланг бўлмоқда.

Марказий ёшлар ва болалар матбуотининг иқтисодий аҳволи тўғрисида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Менинг столимда икки журнал: бири машҳур «Мурзилка», иккинчиси мамлакатимиздаги кичкинтойларга унчалик яхши таниш бўлмаган «Миша» болалар журнали. Икки нашрнинг полиграфик жиҳатдан чоп этилиши ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Буни тушуниш қийин эмас: «Миша» хорижлик, «Мурзилка» эса ўз болаларимиз учун мўлжалланган.

Полиграфияда ўта қолоқлигимиз ғоявий йўқотишга олиб келмоқда. Мазмунда ютсак, шаклдан ютқазамиз. Болаларнинг марказий рўзномаси «Пионерская правда» юқори босма усулда чоп этувчи «Пламя» агрегатида чиқади. Ваҳоланки, бу агрегат бошқа босмахоналарда эскирганлиги учун аллақачон фойдаланишдан олиб ташланган. «Пионерская»нинг дунёдаги юздан зиёд мамлакатда ўқишларини ҳисобга оладиган бўлсак, (ундан нафақат рус тилини, шунингдек, турмушимизни ҳам ўрганишади) рўзноманинг [illegible] учун [illegible]адир. Социалистик мамлакатлардаги барча болалар нашрлари рангли офсет усулига ўтишган бўлса, «Пионерская правда» бу ҳақда фақат орзу қилиши мумкин, холос. Деярли ҳамма комсомол ва болалар матбуотининг моддий-техник базаси ачинарли аҳволда.

Ягона Бутуниттифоқ ёшлар рўзномаси «Комсомольская правда»ни ривожлантириш ҳам орқада қолмоқда. Унинг нусхаси йилдан йил кўпаймоқда, бироқ ҳажми бундан 50 йил муқаддам қанча бўлса, ҳамон шундайлигича қолмоқда: ҳафтасига 24 саҳифа. Бошқа рўзномаларнинг ҳажми ошганида бу янада яққол кўзга ташланмоқда.

Муштарийларнинг талаблари билдирилаётган таклифлардан кўра тезроқ ўсмоқда. Мисол учун, ҳозир экологик муаммо ғоят ўткир бўлиб турибди, аммо ёшлар учун уни ёритадиган махсус нашр йўқ. Боликдан ногирон бўлганлар ҳам эътибордан четда қолган. (Ҳозир ВЛКСМ МҚсида экологик журнал, Бутуниттифоқ талабалар ҳафталиги, «Вожатий»га нашр («Затейник») ва «Советский школьник» журналига (яхши кўролмайдиган болалар учун) нашрлар чиқариш масаласи кўрилмоқда). Бундан ташқари Россия комсомолининг кундалик рўзномасини ташкил этиш керак. «Молодая гвардия» нашриёти полиграфия бирлашмасининг шу кундаги қуввати билан бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Бирлашманинг моддий-техник базасини янгилаш ва тубдан қайта қуриш учун маблағ керак. Ҳукуматнинг, депутатларимизнинг кўмагисиз уни уддалай олмаймиз. Ҳисоб-китобларимизга қараганда бунинг учун бизга 120 миллион сўм, шундан 72 миллиони валюта, зарур.

Яна бир ўткир муаммолардан бири — бу қоғоз масаласи. Қоғоз етишмаслигидан кейинги 20 йил ичида «Молодая гвардия»да маҳсулот чиқариш амалда ўсмади, ўтган йили эса 4 минг тонна қоғоз режадагидан кам берилганлиги учун нашриёт 18 номдаги китобни чоп этмади. Чиқарилган китобларнинг сифатини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Аммо аҳволимиз шунақа экан-да, деб ўтирганимиз билан у ўз-ўзидан яхши бўлиб қолмайди. Янги сиёсий ва иқтисодий вазиятда ёшлар нашрларининг раҳбарлари қатъиятлироқ бўлишлари, ташаббус кўрсатишлари, нашриётлар билан бўлган муносабатда хўжалик ҳисоби, ижара пудрати имкониятларидан фойдаланишлари зарур. Ахир, фойда келтирадиган нашрнинг лоақал унинг бир қисмидан ҳам фойдалана олмаслигини нормал ҳол деб бўлмайди.

Қаламкашларнинг маошлари тўғрисида ҳам гапирмай иложи йўқ. Ҳатто марказий рўзнома «Комсомольская правда»да ҳам у ойига ўртача 211 сўмни, маҳаллий рўзнома ва журналларда эса бундан ҳам кам, ташкил этади. ВЛКСМ МҚ яқинда комсомол ходимлари ва марказий журналлар қаламкашларининг маошини оширди. Бироқ, маош фирқа бюджетидан берилувчи маҳаллий қаламкашларнинг иш ҳақи ўзгармади. Бу мураккаб масалани тез фурсатда ҳал этишга умид қиламиз. Зеро, фирқа ва комсомол рўзномалари ходимлари маошидаги фарқ ниҳоятда катта. Бу ҳолда биз ёшлар учун ёзувчи қаламкашлардан айрилиб қолишимиз мумкин.

Баҳорда ВЛКСМ XXI съезди бўлиб ўтади. Унда ВЛКСМ Ҳаракатномасини қабул қилиш, Уставга ўзгартишлар киритиш мўлжалланмоқда. Ҳозирданоқ янги шароитда ёшлар матбуоти тўғрисидаги тасаввуримизни изҳор этиш зарурати борлиги аниқ бўлиб қолди.

Н. ПАЛЬЦЕВ,
ВЛКСМ МҚ котиби.

Тинчлик ва дўстликда яшайлик

26 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг месхети турклари вакиллари иштирокида қўшма мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари можароли вазиятлар юз берганлигини ва месхети турклари жам бўлиб яшайдиган ерларда аҳволни барқарорлаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни муҳокама қилдилар. Ўз тарихий юртидан ғайриқонуний равишда ва асоссиз кўчирилган месхети туркларини туб аҳоли самимий ва ҳайрихоҳлик билан қабул қилганлиги таъкидланди. Улар 45 йилдан ортиқроқ вақт давомида жумҳуриятимизда тенглар орасида тенг яшадилар ва меҳнат қилдилар. Месхети турклари жам бўлиб яшайдиган ерларда аҳволнинг беқарорлашуви тўпланиб қолган ва узоқ вақт ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан, шунингдек, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун миллатлараро нифоқ келтириб чиқаришга интилаётган порахўр ва жиноятчи унсурларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларидан келиб чиққан.

Аҳволни барқарорлаштириш учун бундай шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ ғоят қатъий қаттиқ чоралар кўриш, аниқ бир мақсадни кўзлаб мафкуравий иш юритиш, барча соғлом кучларни уюштириш, жумҳуриятимиздаги турли миллат кишиларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети муҳокама этилган масала юзасидан қўшма қарор қабул қилдилар.

СССР Олий Совети номига мурожаатнома қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советига

СССР Олий Совети декларация қабул қилганлиги бутун совет жамиятига маълум бўлиб, унда бутун-бутун халқларни зўрлик билан кўчириб юбориш тажрибаси қораланади, уларнинг тарихий яшаш жойларига қайтиши эса сталинизм оқибатларини тугатишнинг асосий босқичи, деб эътироф этилади. Қрим татарлар, месхети турклари ва бегуноҳ азият чеккан бошқа халқлар мазкур қарорни қизғин маъқуллаб, миннатдорчилик билан кутиб олдилар. СССР Олий Советининг кўчириб юборилган халқларга нисбатан белгилаган чора-тадбирлари тезроқ амалга оширилишига бўлган истак уларнинг ўз тарихий жойларига кўчиш кайфиятини кучайтириб юборди.

Бундан фойдаланган бузғунчи кучлар ўз сиёсий мақсадларини кўзлаб, СССР Олий Совети гражданларининг жўнаб кетишига тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқаётгани ҳамда ҳал этаётганини инобатга олишни истамай, амалга оширилаётган ишлар хусусида муросасизлик муҳитини вужудга келтиришга уринмоқдалар, бундай хатти-ҳаракатлар билан аҳолини миллатлараро негиздаги тўқнашувларга гиж-гижламоқдалар, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштирмоқдалар.

1989 йилнинг июнь ойида Фарғона областида одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган воқеа ва 1990 йилнинг 19—24 февраль кунлари Тошкент областининг бир қанча районларида юз берган тартибсизликлар миллатлараро можароларнинг ана шундай кўринишларига айланди. Ана шу тартибсизликлар чоғида шошилинч чора-тадбирлар кўрилгани туфайлигина одамлар қурбон бўлмади. Ҳозирги вақтда республикада миллатлараро кескинликка ва ана шу негиздаги можароларга йўл қўймаслик учун барча ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети СССР Олий Советининг месхети турклари аҳолиси муаммолари билан шуғулланувчи комиссиясининг иши зарур даражада олиб борилмаётганлигини таъкидлаб, СССР Олий Советидан унинг фаолиятини жадаллаштиришни ва месхети туркларининг ота-боболари диёрига қайтиш тўғрисидаги азалий истаклари қондирилишига доир кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам аҳборот бериб боришини ўтиниб сўрайдилар.

Мазкур халқнинг ҳаётий муҳим муаммолари жуда қисқа вақт ичида ҳал этилиши унга нисбатан адолатни тиклашга ва Ўзбекистондаги ғоят кескин ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, мамлакатимиз ва республикамизнинг айрим районларида содир бўлган фожиали воқеалар такрорланишининг олдини олишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси
М. МИРҚОСИМОВ.

Махсус сон № 2 (13)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!

КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА

ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ОРГАН ЦК ВЛКСМ ЦЕНА 3 КОП.

№ 2 (13) спец • выпуск

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

КИМ ҲАҚИДА ГАПИРИШМОҚДА? НИМА ТЎҒРИСИДА ЁЗИШМОҚДА?

КПСС вилоят қўмитаси аппаратининг 19 ходими — талаба бурятча гаплашишни ўрганиш истагини билдирганлиги одатдан ташқари ҳол бўлди. Талабалар ўртасида вилоят қўмитасининг котиблари ва мафкура бўлими мудирлари бор, — деб ёзади «Молодёжь Бурятии» газетаси.

* * *

«Молодёжь Севера» газетаси хабар беришича. Сиктивкарда «балоғатга етмаган ёшлар ўртасида ашаддий жиноятчиликнинг олдини олишнинг» янги усулини топишди. Эндиликдан уларни СИЗОга экскурсияга олиб боришади. Ҳозирча ана шундай экскурсия бир маротаба ташкил этилди, холос. Лекин анкета ўтказиш натижалари тергов, изолятор ҳаёти билан таништиришдан кейин бундай «туризмнинг» самарали эканлигидан далолат бериб турибди.

* * *

Воронеж дорилфунуни нашриётидан «В. С. Висоцкий: тадқиқотлар ва материаллар» китоби чиқди. Бу СССРдаги дастлабки жамоа монографияси бўлиб, эҳтимол шоирнинг ижодини илмий-адабий ўрганишнинг биринчиси ҳам бўлиши мумкин... — деб ёзади Воронежнинг «Молодой коммунар» рўзномаси.

* * *

Мухбиримиз К. Баялинов қирғизча газеталарни ўқимоқда.

Қирғизистон Хитой бозорига, у орқали Гонконг, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея бозорларига чиқа оладими? Ҳа, чиқа олади, деб ҳисоблайди «Южполиметалл» (собиқ Қирғизистон кон-руда комбинати) бирлашмасининг иқтисодчилари. Улар Хитойнинг «Шарқ» фирмаси билан илмий-техник ва савдо-сотиқ ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани имзолашди.

Шартномага мувофиқ Қирғизистон фирмага 50 тонна молибден аммониясини истеъмол моллари эвазига етказиб беради.

К. КУРМАНОВ.

«Бепулнинг» нархи қанча?

«Тез ёрдам»ни чақириш давлатга 28 сўмга тушар экан деб эшитдим. Қизиқ, милиция ва ўт ўчирувчиларни чақириш қанчага тушади?

И. ПЛОТНИКОВ.
Саранск.

Бирорта ҳам «манфаатдор» идорадан аниқ рақамни бизга айтиша олмади У автомобиль тури, бензиннинг нархи, масофанинг узоқ-яқинлиги ва бошқа кўп нарсаларга, асосийси ўша жойда ўтказилган вақтга боғлиқ.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигидан хабар беришларича, «тез ёрдам» бир соатга 11 сўм туради, дори-дармонга эса бунда 40 тийин ажратилади. Жиноят содир бўлган жойда милиция машинасининг бўлиши 20 сўм туради (айтмоқчи, хизмат итига бир ойда 20 сўм ажратилади) — бу маълумотларни биз СССР Ички ишлар министрлигидан олдик. Москвадаги ўт ўчириш бош бошқармаси ўт ўчирувчилар наряди қанча туришини ҳисоблаб чиққан: битта машина 50 сўм экан. Бунда камдан-кам ҳолдагина битта ўт ўчирувчи машиналар йўлга чиқишини ҳисобга олиш керак.

«Ильич лампочкаси» кимни ёритади?

Яқинда бизнинг маҳалламизда уч соатгача электр энергияси бўлмади. Айтишларича, подстанция зўриқиб кетган эмиш. Мамлакатимизда зўриқиш бўлса-ю, чет элга электр энергия сотамизми!

П. ПАХОМОВ,

Ҳа, сотамиз. «СССРда 1987 йил ташқи савдоси справочниги»да ёзилишича, электр энергияни сотиш транспорт воситалари, ёқилғи, руда, концентратлар ва металлар билан бир қаторда СССРнинг социалистик мамлакатлар билан савдосида асосий моддадан бўлиб қолаверади.

1987 йилда СССРда 992 миллион 356 минг сўмлик 34 миллиард 876 миллион киловатт-соат электр энергияси экспорт қилинган. Бизнинг энергиямизни энг кўп «оладиганлар» орасида Венгрия, Болгария, Румыния, Финляндия, Туркия бор.

Таққослаш учун:

1970 йилда 51 миллион 349 минг сўмлик 5 миллиард 300 миллион киловатт-соат электр-энергияси экспорт қилинган.

СССР ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги ҳузуридаги «Энерговольт» фирмаси директори И. Шиpинскийнинг айтишига кўра, 1988 йилда биз чет элга 1 миллиард 124 миллион 327 минг сўмлик электр энергияси сотганмиз. Игорь Тимофеевичнинг айтишига кўра, электр энергиянинг экспорт қилишни кўпайтириш кўзда тутилмайди.

Техника хавфсизлигими?

Бахтсиз ҳодиса туфайли мамлакатимизда ҳар йили неча киши ҳалок бўлади!

Ю. БЛИНОВ.
Свердловск.

Фақат 1988 йилнинг ўзидагина саноатимизда 790 та йирик авария содир бўлган. Ҳар йили мамлакатимизда миллионга яқин гуруҳли жароҳатланиш бўлади. Бахтсиз ҳодисалар туфайли автомобиль йўлларида, заҳарланиб ва жароҳатланиб тахминан 250-260 минг — деярли бир шаҳар аҳолиси сонича одам ҳалок бўлмоқда! Ўша 1988 йилнинг ўзида ишлаб чиқаришда 668 мингдан ортиқ киши жабрланди, 14,4 минг киши ҳалок бўлган.

Бундан ташқари, мамлакат халқ хўжалигида 6,6 миллион киши ҳеч қандай қулайлик яратилмаган шароитда ишламоқда. Икки миллион киши эса оғир қўл меҳнатини бажармоқда.

ТВ—янгими?

Эшитишимча, бизнинг мамлакатимиз французлар билан биргаликда телевизор ишлаб чиқаришга шартнома тузган эмиш. Бу маҳсулот қачон савдода пайдо бўлади!

Г. СОКОЛОВ.
Харцизск.

«Машприборинторг» Бутуниттифоқ бирлашмаси «Кооперация» фирмасининг директори В. Антошкин қуйидаги ахборотни берди:

— Бизнинг фирмамиз французлар билан олиб борилган музокарада учинчи томон бўлиб қатнашмоқда: биз ҳуқуқий соҳадаги саволларни бартараф этишни таъминлаймиз. Асосий шериклар — Москванинг «Орбита» заводи ва «Томсон» фирмасидир. Музокаралар олиб борилмоқда. Яхши ниятлар билан протоколлар имзоланди, лекин ҳозир асосий қийинчилик — валютада. Мабодо, уни топсак, янги телевизорларнинг биринчи туркуми бизнинг ва французларнинг пештахталарида шу йилнинг охирларида пайдо бўлади.

Муштарийларга мактуб

ДЎСТЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Биз Тошкентда тўпландик. Ҳаммаёқда навбаҳор нафаси эсмоқда. Бироқ кўнгилларда уйғонишнинг тотли ҳисси эмас, безовталик, хавотир. Чунки Тошкент яқинидаги Бўка ноҳиясида нохуш воқеалар бўлиб ўтибди. Уларнинг шамоли жумҳуриятнинг бошқа шаҳарлари, кўчалари ва майдонларига ҳам етиб бормаслигига ким кафил бўла олади!

Бу саволни беришга бугун ҳақлимиз. Негаки, Иттифоқимизнинг энг «қайноқ» нуқталарида яшаймиз ва ишлаймиз. Олмаота ва Тоғли Қорабоғ, Фарғона ва Сумгаит, Боку ва Душанбе фожиаларини кимлардандир эшитганимиз йўқ. Ўзимиз гувоҳи бўлганмиз....

Биз турли гумонлар қилиб, шубҳаланиб яшашдан, газетамизга «олов» нафаси уфуриб турган хабарлар етказишдан чарчадик. Бас, энди доимо қўрқув исканжасида бўлишимиздан, ўз уйимизда душман қидиришимиздан манфаатдор шахсларнинг нопок қўлида ўйинчоқ бўлишни истамаймиз!

Муштарийларимизга: «Дўстлигимизни эъзозлайлик!» дегимиз келади. Зеро, фақат дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик туфайлигина кўзлаган режаларимизни рўёбга чиқаришимиз аён.

М. АЛИМОВ, Е. БОТИРОВ, В. АЛОЯН, К. БАЯЛИНОВ, А. БУШЕВ, А. ГАНЕЛИН, Б. КОМАРОВ, А. ЛАПИН, А. МУРСАЛИЕВ, — «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон, Арманистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Озарбойжон бўйича ўз мухбирлари.

Журналистлар учрашдилар

Жумҳуриятимизда «Комсомольская правда» газетасини ўқимайдиган йигит-қизлар кам топилса керак. Доимо ҳаёт билан ҳамқадам ёшларимизнинг жанговар нашри теша тегмаган мавзулар ҳақида ёзиши, катта-катта муаммолар кўтариб чиқиши билан ҳурматимизни қозонган, мамлакатимизнинг энг чекка ўлкаларида бугун кечқурун рўй берган воқеалар ҳам эртасига эрталаб газета саҳифаларида чиқиб туриши кўпчилигимизни ҳайратга солган.

Ўтган ҳафта редакциямизга «Комсомолка»нинг қардош жумҳуриятларидаги мухбирлари — Комил Баялинов (Қирғизистон), Александр Бушев (Туркманистон), Валерий Комаров, Александр Лапин, (Қозоғистон), Вардан Алоян (Арманистон), Нугзар Микеладзе (Гуржистон), газетанинг мафкура бўлими бошлиғи Владимир Ларин ва жумҳуриятимиздаги ўз мухбири Мирзааҳмад Алимовлар ташриф буюришди. Суҳбат чоғида миллатлараро низоларни келтириб чиқараётган ҳар хил миш-мишларга барҳам бериш, «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда»нинг жанговарлигини ошириш, сиёсий воқеаларга ўз вақтида тўғри баҳо бериш, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида гап борди. Ҳамкорликнинг амалий йўлларини кенгайтириш борасида аниқ тадбирлар белгиланди. Жумладан, ўзбек тилида чиқадиган махсус сон учун бевосита мақолалар, суратлар юбориш ҳақида келишиб олинди.

Шундай қилиб, азиз муштарийлар, янгиланган махсус, қўшма сонларимизни кутинг.

(Рўзноманинг иккинчи саҳифасида «Комсомольская правда»нинг ўз мухбирлари мақолаларини ўқийсиз).




СУРАТДА: учрашув пайтида.

Е. БОТИРОВ сурати.

Ўз мухбиримиз устуни

Мирзааҳмад АЛИМОВ, «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири.

Инсонпарварлик



Отам 20 ёшли чоғида урушга кўнгилли бўлиб жўнаб кетган. Москва театр санъати институтининг ўзбек толиби фақат фашист босқинчиларини тор-мор этиб қолмай, балки милитаристик Японияга қарши ҳам жангга қатнашган.

Отамнинг жанггоҳларда босиб ўтган йўли ва унинг мукофотлари, жанговар жасорати ва жароҳатлари тўғрисида ҳикоя қилиб бериш учун қўлимга қалам олганим йўқ. Қўлимга қалам олишга бошқа муҳим нарса, отамнинг фахрланиш туйғуси мажбур этди. Бу туйғу — инсонпарварлик туйғусидир.

Мен дунёга келмай қолишим мумкин эканлигини жуда илгари фаҳмлаганман. Бутун уруш мобайнида отам душман ўқидан, тўпларнинг отишмаси ва бомбардимонлардан, минада портлаб кетишдан омон қолди, жароҳатланганида уни кўк кўзли ҳамшира жанггоҳдан олиб чиқди. Унинг исмини била олмай қолганлигидан отам ҳанузгача афсус қиладилар...

Отам эса ўлимларни қолдириб доғда, тинч яшамоқда. Шунинг учун ҳам мен, урушдан кейин дунёга келган барчамиз яшаяпмиз. Шунинг учун биз бугунги ҳаётимиз учун ўз боболаримиз, оталаримиз ва акаларимиздан биринчи навбатда миннатдор бўлишимиз зарур. Ҳаётимиз нотинч, мураккаб бўлса ҳам, ҳар ҳолда эркин ва озодмиз.

Оталаримиз фашизмни мағлуб этишди...

Биз бу сўзни кўп эшитганмиз. Афсуски, ҳар гал уни бир хилда қабул қиламиз. Лекин шафқатсизлик билан бутун-бутун халқларни қириб юборган, крематория печкаларида аёлларни, мўйсафидларни ва болаларни ёққан фашистлар аслида ким эканлигини чуқур мулоҳаза қилиб кўрмаганмиз.

Гитлер ҳокимият тепасига келгач, немис бўлмаганлар миясига улар ер юзида бахтиёр бўлишлари, фақат олий ирқ бўлган немис ҳукмронлик қилиши, қолган барча миллат ва элатлар уларнинг қули бўлиши лозимлигини қуя бошлади. У катта миқдорда келлакесарларни тўплади, Германиядаги бошқа фикрда бўлган ва бошқа ирққа мансуб барчани йўқ қилиб, кейин коммунизмга қарши «салб юриш» бошлади.

Барча фашистик партиялар ва ҳаракатлар «миллий» сўзи билан бошланиши тасодифий эмас. Улар бу билан миллатчилар эканликларини алоҳида таъкидлайдилар.

Шундан келиб чиқадики, Улуғ Ватан урушида оталаримиз фақат фашист галаларигина эмас, шу билан бирга бошқа миллат ва элатларга қарши бўлган миллатчиларга ҳам қарши курашдилар. Демак, улар заминни фашист истилочиларидан, бошқа миллатларнинг ашаддий душмани бўлган қонхўрлардан ҳам халос этдилар.

...Бир неча кун муқаддам Душанбе шаҳридан олиб кўрсатилган Марказий телевидениеда берилган репортажлардан бирида йиғлаб турган мўйсафид тожикка эътибор бергандирсиз. У ўз шаҳрида содир бўлган воқеаларга ишонгиси келмасди. Унинг гуллаб-яшнаётган, меҳмоннавоз шаҳрида мўйлаби сабза урган ўспиринлар тожик бўлмаган бошқа кишиларни кўчаларда калтаклаганликларига ишониш мумкин эмас эди.

Шунда ўйланиб қолдим: ахир Фарғонада ва Бокуда, Янги Узенда ва Сумгаитда, Душанбеда ва эндиликда бўлган безорилар ва ур-йиқит қилганлар орасида фашизмдан озод қилганлар ва мустақиллигимизни қўлида қурол билан ҳимоя қилганларнинг фарзандлари ва набиралари бўлган-ку! Негаки биз миллий низога дахлдор... ҳаётимиз тўғрисида ўйлаб кўрмадик?

Бу йил Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги кенг нишонланади. Бу Ғалабага эришиш учун курашганларни эъзозлайлик, қаҳрамонларча ҳалок бўлганларни унутмайлик.

Жумҳуриятимиз ҳақида ҳақиқат

«Комсомольская правда»нинг Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятларида ишлаётган ўз мухбирларининг Тошкентда йиғилишини ўтказиш ғояси тасодифан туғилгани йўқ. Айни Ўзбекистонда, «Ёш ленинчи» газетаси базасида «Комсомольская правда»да босилган энг яхши материалларни мунтазам равишда махсус сонини чоп этиш йўлга қўйилганига мана иккинчи йил бўлаяпти. Жумҳурият ёшлари мамлакатдаги етакчи ёшлар газетасини ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Агар шу йил бошида «Комсомолка»га 20 миллиондан зиёд муштарий обуна бўлган бўлса, 1990 йил январининг ўзида унинг нусхаси яна 3 миллионга ўсди!

Нима учун? Бу саволга оддий қилиб шундай жавоб бериш мумкин: у мамлакатда қайта қуришнинг боришини тўғри ва ҳаққоний ёритишга, «тақиқланган» мавзуларни дадил кўтаришга интилмоқда.

Январь ойида «Ёш ленинчи» обуначиларининг сони ҳам сезиларли даражада ўсди. Аниқроқ қилиб айтсак, яқинда ўзининг 65 йиллигини нишонлаган газетага яна 30 минг йигит-қиз обуна бўлди. Биз, «Комсомольская правда» журналистларининг имони комилки, Ўзбекистонда газетамизнинг, шунингдек, «Ёш ленинчи»нинг оммавийлиги ўсиб боришига «Комсомолка»нинг ўзбек тилида чоп этилаётган махсус сонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугун сиз азиз муштарийларимизга «Комсомолка»да чоп этилмай қолиши эҳтимоли бор бўлган Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятларидан материаллар туркумини ҳавола этамиз. Чунки, биринчидан, улар аввало «Ёш ленинчи» муштарийлари учун махсус ёзилган. Иккинчидан, бугунги кунда жумҳуриятда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида сиз, азиз ўзбек газетхонларига имкони борича ҳақиқатни ҳикоя қилиш ниятидамиз.

Александр ЛАПИН, «Комсомольская правда»нинг Жанубий Қозоғистон бўйича ўз мухбири.

Қайиғимиз равон сузмоғи керак



СССР халқ депутати, таниқли қозоқ шоири Олжас Сулаймонов СССР халқ депутатларининг биринчи Съездида мамлакатимизнинг қайиғи тўғрига қараб ҳаракат қилиши учун ҳам чапга, ҳам ўнгга қараб эшкакни аҳиллик билан кучли эшиш лозимлигини таъкидлаганди. Бунда у қайта қуриш тарафдорлари ва консерватив кучларни қиёслаган эди. Лекин шоир кема барқарор бўлиши учун мувозанат зарурлигини унутиб қўйганди. Бугунги кунда айни кўпчилик Қозоғистонни мана шу ўзига хос мувозанатга қиёсламоқда. Кавказортида, Украинада, Болтиқбўйида, Молдавияда эҳтирослар авж олган бир пайтда Қозоғистон сиртдан осойишта. Бу нуқсонми? Менимча, бу ибрат! Бугунги кунда халқлар дўстлигидан зиёд бойлик йўқ, ўз муаммоларини осойишта ва ҳар жиҳатдан чамалаб кўрган ҳолда ҳал этиш имконияти мавжуд.

Қайта қуриш тонготарида миллий низо асосида тартибсизликлар чиққан биринчи жумҳурият Қозоғистон бўлган эди. 1986 йилнинг декабрини эсланг. Шундан ҳам яқинда Олмаотада норасмийлар ўзларининг митингига тайёргарлик бошлашганда Қозоғистон пойтахти аҳолисининг унга ишончсизлик ва ташвиш билан қараганлиги бежиз эмас. Нима содир бўлди? Бир неча минг киши қатнашган ва беш соат давом этган митинг ғоят уюшқоқлик ва аниқлик билан ўтди. Унда бирорта ҳам милиционер қатнашгани йўқ. Тартибни митинг ташкилотчиларининг ўзлари сақладилар. Минбардан кўпдан-кўп зиддиятли даъватлар ва шиорлар эшитилган бўлса ҳам, умуман у амалий, қайта қуриш характерида бўлди.


Бу нимадан дарак беради? Қозоғистонлик дастлабки норасмийлар конфронтация йўлини тутишган бўлишса, орадан уч йил ўтгандан сўнг фақат ўз талабларини қўйишни эмас, балки бошқаларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларига қулоқ солишни ўрганиб олишди.

Лекин баъзи бир кимсалар Қозоғистонни «турғунлик қўрғони» деб аташмоқда. Буни қоралаш эмас, балки мақташ даркор. Ахир мувозанат билан мувозанатнинг ўртасида фарқ бор. Ахир қайта қуриш жараёни фаол бораётган жумҳуриятни ана шундай деб аташ адолатдан эмас-ку. Ўтган йили қозоғистонликлар мамлакатда яккаю-ягона бўлиб уй-жой топшириш юзасидан режани ошириб адо этишди, жон бошига гўшт истеъмол қилишни ўн килограммга оширишди. Қозоғистон қайта қуришда ўз йўлини топиб олди ва ундан экстремистларнинг даъватларига учмай оғишмай ҳаракат қилмоқда.

Шоир Ўлжас Сулаймоновнинг нутқини ва унинг образли қиёслашини эслаб, шуни қўшимча қилмоқчиманки, қайиғимиз равон сузмоғи учун ҳамма эшкакчилар баравар кучга сарфлашлари зарур. Агар эшкакчилар баравардан ҳаракат қилмасалар ва ўзаро баҳслашишга киришсалар, ёки бўғишсалар, унда қайиқ фақат олға ҳаракат қилиб қолмай, аксинча, тўнтарилиб кетиши, жўшқин денгизда эшкакчилар ҳам, уларнинг энг яхши турмушга умидлари ҳам ғарқ бўлиши турган гап.

Александр БУШЕВ, «Комсомольская правда»нинг Туркманистон бўйича ўз мухбири.

Туркманистон уйқудами?



Бу савол Ўрта Осиё жумҳуриятларида сиёсий вазият тўғрисида мулоҳаза юритишни севувчиларнинг ҳордиқ чиқариш пайтидаги суҳбатларида туғилади. Мамлакат бошқа кўпгина регионларидан Туркманистон шу жиҳатдан фарқланади. Чиндан ҳам ижтимоий низолар, норозиликлар бу ерда гўёки йўқдек туюлади. Аслида жумҳурият ҳудуди жиҳатидан мамлакатда тўртинчи ўринни эгаллаб турган бўлса ҳам озиқ-овқат ёки истеъмол молларига ҳеч қандай талонлар жорий қилинмаган (бу ноёб факт), одат тусига кириб қолган нотинч давримизнинг белгиси бўлиб қолган митинглар, юришлар, иш ташлашлар кузатилмайди. Ҳатто баъзи бир туркманистонлик социологларнинг фикрига кўра (уларнинг фикрлари маҳаллий матбуотда эълон қилинган), бундай ҳолатни «ижтимоий летаргия (яъни тўхтаб қолиш) вазияти» деб аташди. Бу ягона ғоя асосида жипслашишга халқнинг онги пишиб етилмаган деган гап эмас. Бундай мулоҳаза юритишни мунозарали деб ҳисоблайман. Жумҳуриятда кишиларнинг бирлаштирадиган муаммолар етарлидир. Айтгандек, уларнинг кўпчилиги эса қўшни Ўзбекистон учун ҳам ғоятда долзарб. Бу ўринда пахта яккаҳокимлигини, сув танқислигини ва бошқа муаммоларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Афтидан сиёсий турмушнинг айни мана шундай фаол эмаслигини бошқа нарсада деб биламан. Туркманистоннинг кўпгина бошқа жумҳуриятлардан фарқланадиган жиҳати шундаки, бу ерда шу пайтгача Халқ фронти тузилмаган, унга бирор бир ишора ҳам йўқ. Норасмийларнинг кичик гуруҳини тузишга уриниб кўрганларга қатъиян «Йўқ!» дейилди. Агар ўз атрофига 200 дан зиёд кишини тўплаган ва расмий рўйхатга олишни талаб қилиб чиққан бир неча ижозат этилмаган митингларни ҳисобга олмаганда, амалда бунга чек қўйилди.

Жумҳуриятда муҳит мутлақо осойишта деб айтиш нотўғри бўларди. Ўсмирларнинг ўтган йили Ашхабоддаги 1 май ва Небитдоғдаги 9 май безорилик чиқишлари маълум. Бундан ташқари халқ бир қатор ноҳияларнинг бирлаштирилишига қарши дарғазаб бўлди. Маҳаллий ҳокимият тезкорлик кўрсатиб, бир йил муқаддам қисқартирилган ноҳия марказлари мақомини қайта тиклади.


Регионлардаги муҳит маълум даражада Туркманистонда ҳам акс-садосини бераяпти, албатта. Озарбайжондаги, Ўзбекистондаги, Тожикистондаги воқеалар кўпдан-кўп миш-мишларни, бирмунча кескинликни юзага келтирмоқда. Бахтимизга воқеалар миш-миш билан чекланиб қолаяпти.

Бир ой муқаддам жумҳурият Олий Советига ва Маҳаллий Советларга сайловлар бўлиб ўтди. Жумҳурият парламенти тузилди. Халқ муҳокамасига тақдим этилган лойиҳалардан бири тил тўғрисидаги Қонун лойиҳаси бўлди. Яқин вақт ичида туркман тили давлат тили мақомини олади. Шу муносабат билан бир қатор муаммоларни ҳал қилиш зарур бўлади

Бир сўз билан айтганда, Туркманистон ишчанлик маромида яшамоқда. Бу ерда экстремистик кайфият кузатилмаётганлиги халқнинг «ижтимоий тўхтаб қолганлиги»нинг оқибати эмас.

Қамил БАЯЛИНОВ, «Комсомольская правда» газетасининг Қирғизистон бўйича ўз мухбири.

Қирғизистон ўзгаришларни кутмоқда



25 февраль, якшанба куни Қирғизистон ССР халқ депутатлари ва Маҳаллий Советларига сайловлари бўлиб ўтди. Аммо унинг қандай якунланганлиги бизга ҳозирча номаълум. Бироқ, шу нарса маълумки, жумҳурият ҳокимиятининг олий органи — Олий Советга Қирғизистон комсомолининг 88 вакили номзод қилиб кўрсатилган эди. Сайловдан сўнг уларнинг сони бирмунча камайиши, шубҳасиз. Бу сайловчиларнинг фақат даъвогарлар ҳаракат дастурига қараб овоз берганликлари учунгина эмас. Гап шундаки, анчадан буён депутат тимсолида биз «уддабурон» кишини кўришга одатланганмиз. Ва унинг фаолиятини кўпинча фақат бажарилган наказлар ҳамда кўриб чиқилган шикоятлар сонига қараб баҳолаймиз.

— Хўш, бу комсомол ўзи нима ҳам қила оларди? — сайловчилар орасида бундай гап-сўзларни тез-тез эшитиш мумкин. — Мана, ноҳия фирқа қўмитаси котибини олиб кўрайлик. Уни кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Унинг сўзи вилоятдаям, жумҳуриятда ҳам ўтиши, шубҳасиз. Дўкон қуриш ҳам, мактаб учун қўшимча бино тиклаш ҳам унинг қўлидан келади...

Ишонч билан башорат қилиш мумкин: худди ана шу юқоридаги сингари эскича фикрлашлар аппаратга бу галги сайловда ҳам ўз сўзини ўтказишга имконият яратган бўлса, ажаб эмас...

* * *

Фрунзе шаҳридаги ёшларнинг фаоллиги сусайган кўринади. 18 февралда митинглар бўлмади, аммо у ҳақдаги миш-мишлар Тошкентгача етиб борибди. Ёшларни тўлқинлантираётган масалалар янги Олий Советнинг энг яқин сессияларидан бирида кўриб чиқилади. Ташаббускорлар ҳамда жумҳурият раҳбарияти шундай битимга келишишди.

Бундан ташқари ҳар ойнинг иккинчи шанбасида соат 11 да Қирғизистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Сиёсий маориф уйида раҳбарларнинг ёшлар билан учрашуви ўтказилади. «Бизни қийнаётган масалалар, муаммоларимиз тинч, парламент йўли билан ҳал бўларкан», — митингчилар, чекка шаҳар ва қишлоқлардан пойтахтга тўпланган ишсиз аҳоли ана шундай умид ва ишонч билан уй-уйларига тарқалишди.

* * *

Яқин-яқинларгача Қирғизистонга ташриф буюрувчилар бу ердан истаган буюмларини ҳеч қандай тўсиқларсиз харид қилиб, олиб кетишлари мумкин эди. Бу масалада жумҳурият иттифоқдош жумҳуриятлар орасида охирги ўринларда турар эди.


Министрлар Советининг 16 февраль кунги қарори билан бу нарсага чек қўйилди. Олиб чиқиб кетилиши таъқиқланган моллар рўйхатига деярли барча турдаги буюмлар киради. Ва уларни транспортнинг ҳеч қандай турида ташиб кетиш мумкин эмас.

* * *

Бугунги кунда Қирғизистон ҳукумати ихтиёрида атиги иккита иншоот қолган. Улар — мансабдор шахслар учун Иссиқкўл соҳилидаги Чўлпонота ва Фрунзедан унча узоқ бўлмаган Чонариқдаги қароргоҳлардир.

Нугзар МИКЕЛАДЗЕ, «Комсомольская правда»нинг Грузия бўйича ўз мухбири.

Ҳақиқат—тўсилмас зиё



Сизга Грузия ҳақида бугунги кунда унинг халқи қандай, нима ташвиш билан яшаётганлиги тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилиб беришни истардим. Имоним комилки, бундай имконият яна бир неча бор туғилади.

Грузия ҳозирги кунда ҳам сиз уни қандай эсласангиз, ана шундай. Жумҳурият аввалгидек яхши ниятли меҳмонларни очиқ кўнгил билан кутиб олмоқда, меҳнат қилмоқда ва оқилона ҳордиқ чиқармоқда.

Лекин 1989 йил туб бурилиш йили бўлди, албатта. Биз ўтган йили баҳорида кўпгина синовларни бошимиздан кечирдик. Сиз 9 апрелда Тбилисидаги ҳукумат уйи олдида содир бўлган фожиадан хабардорсиз. Ана шу фожиа жумҳуриятдаги кейинги барча воқеалар ва жараёнлар боришини аниқлаб берди, деб айтиш мумкин.


Ўша фожиавий тун тўғрисидаги хабар ўзбек заминигача етиб келди. Жонажон шаҳримизга ҳарбий техниканинг кириб келиши, ҳар бир бурчакда соқчи турганлиги, ҳақиқий ахборотнинг ҳар бир сатри тақиқланганни ёдимда. Ҳам маҳаллий, ҳам бу ерга келган журналистларнинг иложсиз қолганларини ҳам унутганим йўқ.

Ўша кунларда бошқа нарсани — жуда қийинчилик билан оддий кишилар қалбига йўл топиб келган, грузин халқига йўлланган минг-минглаб хайрли, доно сўзлар битилган мактубларни ҳам эслайман. Имкониятдан фойдаланиб, ўша кунларда менинг халқимни қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон аҳолисига улкан миннатдорчилигимни изҳор этаман. Менинг Тошкентга келаётганимдан хабар топган, сизнинг мактубларингизни сақлаб қўйган «Молодёжь Грузии» газетаси журналистлари ана шуни илтимос қилишган эди. Айни мана шу — «Ёш ленинчи»нгиз билан биродар — газета биринчи бўлиб 9 апрель воқеалари тўғрисидаги ҳақиқатни айтди. Бунинг учун ҳатто ҳарбий ҳокимият томонидан вақтинча ҳибсга олинди. Бироқ, ҳақиқат ва ақл-заковат ғолиб келди. 9 апрелдаги пухта ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракат натижасида Грузияда халқ ҳаракати кескин кўтарилди. Тўғри, баъзан бир-бирига зид, кўпинча воқеа мантиқидан чиқиб кетиш ҳоллари мавжуд. Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Ахир халқнинг онги кескин ўзгарди.

Бизнинг, совет кишиларининг муаммолари умумий, ташвишлари муштарак эканлигини биламан. Бунда мураккаб этник низоларни назарда тутмоқдаман. Масалан, Грузияда бу омил барча демократик кучларга жиддий халақит бераяпти. Миллатлараро низо ҳеч кимга фойда келтирмайди. Шунинг учун ўз халқининг истиқболи учун ундан воз кечиш лозим. Соғлом фикр, ҳақиқат, саховат ва донолик барча халқларимизга хос, бу эса қийинчиликларни бартараф этиш имкониятини беради.

Вардан АЛОЯН, «Комсомольская правда» газетасининг Арманистон бўйича ўз мухбири.

Миннатдормиз, ўзбеклар!



Бутун Арманистон сингари Ереван ҳам бугун қамалдаги шаҳардир. Бензин учун чақиримлаб навбатда туришлар, дўконларнинг бўм-бўш пештахталари. Электр қувватини истеъмол қилишнинг қаттиқ тартиби йўлга қўйилган. Ундан тежамкорлик билан фойдаланиш лозим. Кечқурунлари кўчалар қоп-қоронғи. Уйлар совуқ. Телевидение бир кечакундузда атиги бир неча соат ишлайди, холос. Кўп қувватли саноат корхоналари, жумладан, мамлакатдаги энг йирик Канакерск алюминий заводи тўхтатиб қўйилган. Ишлаётган завод ва фабрикаларнинг нафи ҳам у қадар сезилмаяпти, чунки темир йўлнинг қамалда эканлиги туфайли тайёр маҳсулотни мамлакатнинг юзлаб адресларига чиқариш имконияти йўқ.

Шунга қарамасдан, жумҳуриятдаги сиёсий вазият секин-секин изга тушмоқда. Озарбайжонга туташ чегара ноҳиялардаги кескинлик бундан мустасно, албатта. Бу ердаги жумҳуриятлараро чегара муҳофазасини Совет Армияси бўлинмалари ўз зиммасига олгач, турмуш барқарорлашмоқда. Халқ лашкарлари илгари қўлга киритган қуролларни қайтариш билан бирга уй-уйларига тарқалмоқда. Энг асосийси, жумҳурият раҳбарияти билан норасмийлар ўртасидаги алоқа аста-секин йўлга қўйилаётганини таъкидламоқчиман.

Бундан бир-икки йил илгари одатий ҳолга айланиб қолган митинглар, юриш ва иш ташлашлар ўтмишга айланиб қолмоқда.

Арман умуммиллий ҳаракати (АУҲ) жумҳурият Олий Совети томонидан расман тан олинди. Уларнинг ўз биноси, ўз рўзномаси, Арманистон парламентида ўз депутатлари бор. Эндиликда можаролар, баҳслашадиган масалалар кўчаларда эмас, рўзнома саҳифаларида, Олий Совет сессияларида кўриб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси телевидение орқали тўлалигича олиб кўрсатилади. Бир сўз билан айтганда, қарама-қаршилик ўрнини мустақил сиёсий мунозара олди.

Энг муҳим нарса, Янги йил арафасида мен зилзиладан batamom вайрон бўлган Спитак шаҳрида бўлдим. Ноҳия комсомол қўмитаси жойлашган вагон уйчада мени Тошкент шаҳар комсомол қўмитаси вакиллари билан таништиришди. Улар ўша мудҳиш 7 декабрь вайронагарчилиги натижасида етим қолган гўдаклар учун совға ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишган эди. Болаларнинг боболари, бувилари менинг «Комсомолька»дан эканлигимни фаҳмлашгач, «Фурсат бўлса, ўзбек қардошларга бизнинг ташаккуримизни топшир», дея наказ беришганди.

Бугун менда ана шундай имконият бор ва ҳамюртларимнинг ишончини мамнуният билан адо этаётирман:

Раҳмат, сизга, қадрли ўзбек биродарлар!

Валерий КОМАРОВ, «Комсомольская правда»нинг Шимолий Қозоғистон бўйича ўз мухбири.

Баҳоргача қолган кун



Башорат қилганлар доимо ҳам ташаккур эшитишмайди. Об-ҳаво ҳақида маълумот берувчиларни эслайлик. Мабодо, бу ишга шахтёрлар киришишсачи? Наҳотки янада жиддийроқ оқибатларни кутиш лозим?

«Агар баҳоргача биз мустақиликка эга бўлмасак... Иш ташлашимиз табиий», — қарағандалик Пётр Шлегелнинг бу сўзлари ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник зиёлилар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгаши делегатлари иш олиб бораётган мажлислар бўлмасидаги норозилик шовқинига сингиб кетди. Яна шарт қўйишми? Яна қарама-қаршиликми?

Мабодо бу башорат бўлсачи? Башоратлар эса доимо тўғри чиқмаса ҳам, барибир нимагадир асосланади.

Қарағанда вилоят ишчилар қўмитасининг раиси катта кенгаш минбаридан туриб қандай мустақиллик ҳақида гапирди? Иқтисодий мустақиллик хусусида. Ҳозирги кунда бу мавзу ҳатто оила даврасида ҳам муҳокама қилинмоқда. Агар ишлаб чиқарган маҳсулотларига шахтёрларнинг ўзлари хўжайинлик қилишса, уларнинг қатъий фикрича, ҳозирги ижтимоий тангликни анча енгиллатиш мумкин бўларди.

Тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, уй-жой олишга бўлган узундан узоқ навбатда туриш, ер остида қийин шароитда меҳнат қилаётган шахтёрларнинг кам иш ҳақи олиши...

Хуллас, бир олам муаммо!

Яқинда Қарағандага ҳукумат қабул қилган машҳур 608-қарорнинг бажарилишини назорат қилувчи регионал давлат жамоатчилик комиссияси келди. Унинг раиси шахтёрлар билан дастлабки учрашувлардаёқ ўзини оқлашга, ишчилар эътирозларини тинглашга мажбур бўлди. Шунингдек, юқоридан туриб тайёрланган маълумотномага тузатиш киритишга мажбур бўлди. Маълум бўлишича, белгиланган 47 бандлик талаблардан бор-йўғи 14 таси қондирилган, холос.

Жанжалми? Барибир ҳар икки тараф ҳам буни исташмасди. Комиссия аъзолари «давра столи» атрофида шароитни тушунтиришгач, кончиларга «кўрпани фақат ўз устингизга тортаверманг» деб уқтиришгач, икки тараф бир битимга келишди.

Айримлар эса Пётр Шлегелнинг «жарангдор» сўзларини эслаган ҳолда чиндан ҳам баҳоргача қолган кунларни санамоқда.

Кичик мақолаларда қардош жумҳуриятларнинг барча ранг-баранг сиёсий ва ижтимоий турмушини тўла қамраб олиш қийин, албатта. Лекин сиз муштарийлар «Комсомольская правда»нинг Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятларида ишлаётган мухбирларимизнинг очиқ-ойдин, ташвиш ва умид билан суғорилган мақолаларини ўқиб, ҳозир мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларни яққол ҳис қилишингиз мумкин.

Материаллар туркуми сизга маъқул бўлдими? Сиз «Комсомольская правда» қайси мухбирларининг материалларини ўқишни истардингиз? «Комсомолка» шаънига сизнинг қандай фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингиз бор? Биз ҳанузгача қандай мавзуларни кўтармадик, газетанинг яқин сонларида нималар тўғрисида ҳикоя қилишимизни истардингиз? Сиз ўз атрофингиздаги қайси кишиларни бутун мамлакат билишини истардингиз? ВЛКСМ истиқболини сиз қандай тасаввур этасиз?

Ана шу ва ўзингизни тўлқинлантираётган бошқа саволларга жавоб беришингизни сўраймиз. Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни, албатта, эътиборга оламиз ва сизнинг «Комсомольская правда»нгиз янада ўқимишли бўлиши учун куч-ғайратларимизни аямаймиз.

Ўз мактубларингизни «Ёш ленинчи» газетасига юборинг. Редакция манзилгоҳини эслатиб ўтамиз: Тошкент, 700083, Ленинград, кўчаси, 32. Конверт устига «Махсус сонга» белгисини қўйишни унутманг.

Савол беринг

Алло, бу Парижми?

Яқинда мен Париждаги қариндошларимга сим қоқмоқчи бўлдим. Маълумотлар хизматининг телефон номерини терсам, менга: шахсий кишиларга у ёққа телефон қилишга бало борми, дейишди...

А. ТАЛЕБОВЦЕВА, Киев.

Дарҳақиқат, чет давлатлардаги шаҳарларнинг кодларини билиш бизга ҳам дарҳол насиб қилмади. Дастлаб, маълумотлар бюролари бир-бирларига солдилар, кейин эса муштарийимиз ёзганидек, муомала қилишди. Қизиқ, деб ўйладик биз. Ва эртаси куни яна ҳаракат қилиб кўрдик. Бу сафар бизни копток қилишмади. Чунки биз «Комсомолка»дан қўнғироқ қиляпмиз, деб айтган эдик. Телефоннинг у томонидаги қиз бир қанча кодларни ёдга олди ва уларни бизга айтиб турди. Шундай қилиб маълумотлар бюросидагиларни асабийлаштирмасдан, Москвадан чет элга қуйидагича телефон қилинг:

Париж — 8-10-23-1,

Рим — 8-39-6,

Бонн — 8-10-4-228,

Лондон — 8-10-44-1.

— Умуман, — дейишди хайрлаша туриб бизга, — бу маълумотларни хоҳлаган маълумотлар бюроси бериши мумкин эди.

Оддий аскар ойлиги

Ўтган ёзда америкалик сипоҳиларнинг ойлик маоши ҳақида ёзган эдингизлар. Ғарбда оддий аскар қанча олади?

А. БАЗАРКИН. Уфа.

Муштарийнинг бу саволига жавоб беришда бизга «Би-Би-Си» радиостанцияси ёрдам берди. Яқинда эшиттирилган «Почта қутиси» программасида у шартнома бўйича хизмат қилишни бошлаган аскар ёки матрос (Буюк Британияда Ҳарбий хизмат касб-кор ҳисобланади) ойига тўрт юз фунт стерлинг олишини ҳикоя қилган. Ёрдамчи қисмларга ёлланган аёллар 50 фунт кам олишади, лекин бу камситиш эмас —уларни олдинги маррада хизмат қилишга тайёрлашмайди, ичкаридаги хизмат эса бирмунча кам қадрланади.

Инглиз армиясининг сержанти барча сипоҳиларнинг имтиёзидан фойдаланади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, СССР Давлат банкининг махсус курсига биноан бир фунт стерлинг ўн сўму 8 тийинга тўғри келади.

Олтин тугаб қолмайдими?

Менинг бир танишим оиласи билан СССРдан кўчиб кетмоқчи. Улар барча буюмларини, мебель, аппаратураларини сотиб, ўрнига заргарлик буюмларини сотиб олишмоқда. Олтин ва кумушдан ишланган нарсаларни олишмоқда. Қимматбаҳо нарсаларни олиб кетишнинг бирор чегараси борми!

А. БЕКЕТОВ.

Агар буюмлар бадиий, тарихий ёки маданий қимматга эга бўлмаса, ҳеч қандай чегара йўқ, деб тушунтирди, божхона Бош бошқармасининг қабулхонаси мудири Г. Сидорова.

Маълум бўлишича, ўтган йилнинг сентябрь ойига қадар СССРдаги оддий дўконлардан харид қилиниб, олиб кетилаётган марварид, кумуш, олтин, платиналарга ҳеч қандай назорат бўлмаган. Лекин 15 сентябрдан бошлаб янги Низом кучга кирган. Унда айтилишича, бошқа мамлакатга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган фуқаро ўзи билан фақат шахсий фойдаланаётган қимматбаҳо буюмларинигина фақат битта-биттадан олиб кетиши мумкин. Бундай буюмларни жамлаб олиб кетишга йўл қўйилмайди.

Қилич ўйинимми?

Етмишинчи йилларнинг охирида радио ва телевидение орқали Брежневга фахрий қурол топширилганлиги ҳақида роса жар солинганлиги эсимизда. Бу олтин қилич эди. «Доҳий» ўлимидан сўнг бу қимматбаҳо буюм музейга топширилганми! Қизиқ, қайси музейга!

П. КАСТОРКИН, Краматогорск.

Биз Москвадаги ўнлаб музейларга сим қоқдик ва уларнинг бирортасидан ҳам Брежневнинг олтин қиличини топмадик. Бунинг сирини аниқлашга қурол бўйича йирик мутахассислардан бири, Тарих музейининг қуроллар бўлими мудири И. Абрамзян ёрдам берди.

— Гап ҳақиқатан ҳам етмишинчи йиллар охирида Л. И. Брежневга топширилган Фахрий инқилобий олтин қурол ҳақида бормоқда. Бу қинига ССР Иттифоқининг олтин Герби туширилган қиличдир. Қуролга СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиғи берилган. Қиличнинг дастаси билан тиғини ажратиб турадиган қисмига Уралнинг ярқироқ тошларидан нақш ўйиб солинган, олтин суви қалин қилиб берилган.

Брежневнинг вафотидан сўнг биз бу қуролнинг тақдири билан қизиқиб кўрдик ва ўшандаёқ қуйидаги жавобни олганмиз: бу қилич мукофотга берилгани учун ҳам, у Брежневлар оиласида қолиши керак. Ҳозиргача у ўша ерда сақланмоқда.

Руслан ХАСБУЛАТОВ,
иқтисод фанлари доктори:

Ленин ўзида жасорат топа билганди... Биз-чи?

Биз охирги чегарасигача нотўғри талқин этиб, марксизмнинг бирор бир қоидасини турмушда амалга оширмаганлигимизни эътироф этадиган пайтимиз келди, эндиликда эса ўзимизнинг хатоларимиз учун унинг ижодкорларини танқид қилаяпмиз.

Марксизм таълимоти, унинг байроғи остида амалга оширилган Октябрь инқилоби, ягона бир улуғ ғоя: инсонни инсон томонидан эксплуатация қилишга барҳам бериш, яъни ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ва меҳнати натижаларидан бегоналанишини бартараф этиш билан суғорилган. Ҳозир амалиётда аҳвол қандай ҳолда? Индустрлашган Ғарб мамлакатларида ишчига меҳнатининг ўртача 70 фоизи, бизда эса 20 фоиздан зиёди қайтарилади. Бу эксплуатация қилиш эмасми? Бу бегоналаштириш эмасми?

Биз халқ хўжалигимизни иқтисодий бемаънигарчилик майдонига айлантирдик. У ўзининг руҳий жиҳатидан ҳарбий коммунизм даври иқтисодиётидан кам фарқ қилмаслиги таажжубли эмас.

Қандай қилиб? — деб муштарий таажжубланиши мумкин. Коммунистик жамият тўғрисидаги Маркс ва Энгельс ғоясининг ҳарбий коммунизм амалий мужассами ҳисобланмайдими? Мутлақо шундай эмас! Мажбурий меҳнат қилиш билан ҳарбий лагерга айлантирилган мамлакатни, «ҳар бир кишининг эркин меҳнат қилиши барчанинг эркин ривожланиши шарти» бўлган жамиятни, яъни эркин кишилар жамияти деб жиддий қабул қилиш мумкин эмас!

Н. Бухариннинг «Ўтмиш даврининг иқтисодиёти» (1920 йил) китобида ҳарбий коммунизм даврининг асосий сиёсий-иқтисодий ғояси янада батафсил баён қилиб берилган. В. И. Ленин айни у ҳақда, биз академияни унинг аъзосига мансуб бўлган ажойиб асари билан қутлаймиз, деб айтган эди. Китобнинг бошидан охиригача социализм даврида савдо ва бозор рад этилади. Хатолик айни мана шунда бўлган! Маркс ва Энгельс бўлажак коммунистик жамиятга бир пайтда, мантиқан табиий бўлган жараённи шубҳасиз босиб ўтиш орқали келиши керак эди. Ленин бошчилигидаги большевиклар коммунизмни тезликда, алоҳида олинган, ҳали кам тараққий этган мамлакатда амалга оширишга уриндилар.

Ленин ўзининг қарашларини қайта кўриб чиқишга жасорат топа билди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у иқтисодий ривожлантиришнинг янги моделини излашда Маркс асарларига мурожаат қила олмасди. Маркснинг ҳам, Энгельснинг ҳам асарларида социализм тўғрисида жуда оз гапирилган, ўшанда ҳам умумий тарзда фикр юритилган. Улар томонидан очилган тарихий тараққиёт қонунларини бузиш конкрет ҳолда нима бўлишини фолбинлик қилмаслик тўғрисидаги фикрни бир неча бор такрорлаган эдилар. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш Лениннинг ҳам назарий, ҳам амалий қарашида ғоятда кескин бурилиш бўлган. Кейинчалик эса Бухариннинг ўзида ҳам социализмга нисбатан шундай ўзгариш бўлган. Бу «биринчи чақириқ» большевиклари учун шахсий фожиа ҳам бўлган.

Афсуски, тез орада Сталин диктатураси тазйиқи остида янги иқтисодий сиёсат йўқ қилинди. Ленинча демократик социализм куртаклари поймол этилди, узоқ ўн йиллар мобайнида давлат-яккаҳокимлиги социализми ҳукм сурди. Бугунги кунда ҳам ана шундайлигича қолаяпти.

Унинг асосини ягона давлат-яккаҳокимлиги мулкчилиги ташкил этади, у иқтисодиётга самарали ривожланиш имкониятини бермайди. Ҳозир халқ хўжалигини қайта қуришнинг асосий тўсиғи бўлган давлат-яккаҳокимлиги мулкчилиги тотал директив режалаштиришсиз яшаши мумкин эмас. Бугунги кунда ер шари қуруқлик қисмининг олтидан бирини ўзининг отамерос мулки сифатида тасарруф этаётган ҳатто на фирқа аппарати, на тармоқ нозирликлари мамлакатнинг чинакам соҳиблари ҳисобланмайдилар.

Биз Сталин тажриба қилиб кўрган эгизак бухгалтерия усулидан шу пайтгача воз кеча олмаяпмиз. У, бир томондан, социализм даврида иқтисодий қонунлар ҳаракат қилишини эътироф этади, иккинчи томондан эса, уларни бошқаришни ўрганиб олишга даъват қилади. Нима учун оламни тортиш кучи қонунини синаб кўриш мумкин эмас? Агар биз сўзда эмас, балки амалда, айтайлик, нарх қонунини «оқлаганимизда» унда иқтисодий ислоҳотни бюджетимизга ўн миллиардлаб сўм камомат келтирган «яшил оғу»га қарши курашдан эмас, балки молиявий соғломлаштиришдан бошлаган бўлар эдик.

Биз социализмнинг ленинча концепциясига қайтишга интилмоқдамиз. Бироқ, масалан, 1921 йилда тушунишга эришган Ленин даражасига жуда сусткашлик билан яқинлашмоқдамиз. Бу мавзуни кўтаришга чўчиётганимиздек таассурот қолдиради. Янги иқтисодий сиёсатнинг ўзи нима? Нима учун Ленин онгли равишда хорижий сармояни жалб этди? Нима учун у миллий ишбилармонликка йўл қўйди? Нима учун у бошида бу вақтинча чекиниш, деб айтди-ку, лекин кейинчалик янги иқтисодий сиёсат узоқ муддатга мўлжалланган сиёсат эканлигини баён қилди? Ширкатчилик ҳаракати, ижара, хориж сармоясини жалб этиш, шартлари ўзгартирилган валюта — буларнинг барчаси янги иқтисодий сиёсатнинг бўғинлари бўлиб, у ўзининг ғоятда самарадор эканлигини кўрсатди. Шуни айтиш керакки, янги иқтисодий йўлга солиб юбориш Ленин томонидан тез ва ғайрат билан амалга оширилди. Бизнинг эса ҳозирги сусткашлигимиз иқтисодиётни сўнгги чегарага олиб келиб қўйди. Наҳотки, ҳукумат жарликдан «сакраб ўтиш» мумкин эмаслигини англаб етиши учун 1921 йилдагидек «Кронштадт исёни» зарур бўлса.

Иқтисодий ислоҳот ўтказишдаги сиёсий ирodadаги нуқсон «комсомол» иқтисодиётига муносабатда ҳам намоён бўлаяпти. Бу, албатта, иқтисодиёт мавжуд эканлиги яхши маълум. Мен, 20 йил муқаддам, М. В. Ломоносов номли Москва Давлат дорилфунуни комсорги бўлганимда комсомолнинг ўз хўжалик ҳисобидаги марказлари ва бирлашмалари бўлишини фақат орзу қилишим мумкин эди.

Орзу амалга ошди-ю, лекин яримта бўлиб қолди. Комсомол корхоналари чинакам мустақилликка эга бўла олмаяпти. Афтидан, комсомолнинг ўзи эндигина ёш коммунистлар уюшмасининг мустақил сиёсий ташкилоти эканлигини англаб етаётганлиги сабаб бўлса керак.

Маркс назариясининг кўпгина қоидалари ҳозир эскириб қолди, албатта. Бу, масалан, пролетар диктатураси ҳақидаги, инқилоб тўғрисидаги... таълимотларига тааллуқлидир. Бироқ, бу озод кишилар жамиятини барпо этишдек коммунистик идеалларга садоқатни ўз олдига қўйганларнинг бош мақсадига ҳеч қандай даражада дахл этмайди.

Латвия: комсомол қолади

Ҳозирги вазият тўғрисида

Съезддан бир неча кун олдин Латвия ЛКСМни тарқатиб юбориш ёки ҳеч бўлмаганда ВЛКСМдан бутунлай ажралиб, жумҳурият ёшлар ташкилоти номини ўзгартириш тўғрисида миш-мишлар тарқалганди.

Ёшлар ўртасида раҳбарликка турли гуруҳлар ва тарафкашлар даъвогарлик қилишарди. Ҳатто «Смена» муваққат комсомол ташкилотини ва барча ҳаракатлар ҳамда партиялар вакиллари кирувчи жумҳурият ёшлар сеймини тузмоқчи ҳам бўлишганди. Бошқа таклифлар ҳам бор эди. Жумладан, Риганинг Москва ноҳияси комсомолларининг ҳисобот-сайлов конференциясига райкомнинг биринчи котиби А. Белогорский бошчилигида кўпчилик овоз билан ЛКСМ ўз-ўзини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Дарвоқе, Риганинг Москва ноҳияси Латвия пойтахтидаги энг йирик бўлибгина қолмай, кўпмиллатли ҳамдир. Демак, ўз-ўзини тарқатиб юбориш тўғрисидаги ғоя бошданоқ миллий тусда эмасди.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Кейинги икки-уч йил ичида Латвия ЛКСМнинг сони 100 мингга камайди. Бу жумҳурият комсомол ташкилотининг учдан бир қисми деганидир. Улардан 60 мингги комсомол ёшидан ўтгани туфайли ВЛКСМдан чиққан бўлса, 15 мингги комсомол сафидан ўчирилди, шулардан 10 мингги охирги йилда. Комсомолга қабул ҳам камайди. 1989 йилда ЛКСМ сафига 2148 йигит-қиз қўшилди, холос. Бу ундан олдинги йилга қараганда 8 минг камдир. Ҳозир Латвия комсомоли аъзоларининг сони 200 мингдан сал ошиқроқ.

Мана бу эса ёшлар ўртасида ўтказилган охирги сўровнинг натижалари. Шуниси қизиқки, ҳаётий қадриятлар орасида (24 кўрсаткич бўйича) «ижтимоий фаоллик», «жамоатчилик», «юксак даражадаги ғоявийлик ва байналмилаллик» охирги ўринларда экан. Ёшлар булардан кўра «умуминсоний сифатларни», «мустақиллик»ни, «ички мутаносибликни» устун қўйишаркан.

Ғоялар инқирози комсомолдан оммавий чиқиш билан давом этмоқда. Кемадаги бу туйнук тобора катталашиб, унинг юриши тобора қийинлашмоқда. Латвия ЛКСМ Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби Иварс Приедитис айтганидек, комсомол секинаста вайрон бўлмоқда. «Собиқ» дейишимизнинг боиси Иварс комсомолдаги ўн йиллик фаолиятидан сўнг, шундан тўрт йилини биринчи котиб сифатида ўтказган, истеъфога чиқишга, ўз сўзи билан айтганда, илгари эгаллаган муҳандислик касбига қайтишга қарор қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иварсни жумҳуриятда ҳам, ундан ташқарида ҳам чуқур ҳурмат қилишади. Уни комсомолда поғонама-поғона кўтарилган қуруқ амалдор деб бўлмайди. Айниқса унинг иш услуби, фикрлаши аппаратчидан кўра ҳам кўпроқ ҳозирги кунда биз норасмийлар деб атаётган кишиларникига ўхшаб кетади. Иварс жумҳуриятда ҳам, ВЛКСМ МҚ пленуми минбарларидан ҳам ҳалол сўзлаган. Шунинг учун ҳам унинг ушбу қадами ҳурматга лойиқ.

Етакчининг таназзули — ташкилотнинг таназзули. Бироқ Приедитес буни у қадар оғир қабул қилмасликни маслаҳат беради: «2,5 миллионли Латвияда ёшларнинг 300 минг кишилик ижтимоий давлат ташкилоти бўлишни рисоладагидек деб бўладими», дейди у.

Яна шуниси қизиқки, жумҳуриятнинг ҳамма ноҳия ва шаҳарларидан келган деярли барча ёшлар Латвия ёшлари ташкилотларини ҳамда ташкилотлар иттифоқини шакллантиришни ёқлашди. Демак, кучларни бирлаштириш, мувофиқлаштириш истаги бор.

Бироқ бир гуруҳ талабалар комсомолни тарқатиб юборишни, унинг мулкини эса тақсимлашни ёки умуман давлат бюрократияси қўлига топширишни талаб қилишди. Ҳатто ўзларининг дастурини ва ҳаракатномаларини таклиф этишди. Яна асосигача вайрон қиламизми? Кейинчи?

Гарчи Латвия ЛКСМнинг янги низоми ва ҳаракатномаси хусусида кўп тортишувлар бўлган бўлса-да, аммо съездда бўлиниш бўлмади. Айниқса Коммунистик фирқа билан бўлган муносабатлар ҳамда марксча-ленинча таълимотга қараш тўғрисидаги бандлар ҳақида узоқ баҳслашишди. Охири марксизм тўғрисидаги, у билан бирга эса «ЛКФ билан ғоявий бирлик асосида ҳамкорлик қилиш» хусусидаги банд ҳам олиб ташланди. Латвия ЛКСМи ёшларнинг мустақил ижтимоий-сиёсий мақомига эга бўлди. Бундан буён ВЛКСМ таркибида бўлса ҳам ўзининг ички иттифоқ ҳаёти меъёрини ўзи мустақил белгилайдиган ташкилот бўлиб, фақат ВЛКСМ Уставининг марказий органлари тўғрисидаги қоидаларига дахл қилмайди.

Шундай қилиб, Латвия комсомоли ўзини, ўз кўринишини (гарчи кейинги пайтда анча ўзгарган бўлса-да) сақлаб қолди. Хўш, бу нима беради? Биринчидан, Латвия комсомоли жумҳурият ёшларининг катта қисми, ўз ташкилоти аъзолари номидан гапириш ва унинг муаммоларини давлат даражасида ҳал этиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Бундан ташқари съезд жумҳурият миқёсидаги давлатнинг ёшлар тўғрисидаги сиёсатини муҳокама қилди ва қабул қилди.

Шу билан бирга жумҳурият ЛКСМ МҚга Ҳаракатнома ва Низомни тан олмаган делегатларнинг фикрини инобатга олиб, янги ёшлар ташкилотларини тузиш механизмини ишлаб чиқишни топширди. Съезд делегатлари шунингдек, Совет Армияси сафларида муқобил хизмат қилиш тўғрисида резолюция ва «Комсомол матбуоти нашрлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан ёшлар матбуотида ишловчи қаламкашларга нисбатан ижтимоий адолатни қарор топтириш мақсадида 1990 йилнинг 1 февралидан бошлаб ёшлар матбуотини келтираётган фойда ҳисобига редакцияларнинг иш ҳақи фондини икки, нашрнинг битта сонини қалам ҳақи фондини эса уч баробар оширилади.

Фикримча, шу муносабат билан мамлакатимизнинг бошқа регионларидаги комсомол ходимлари ва комсомол қаламкашларида кўплаб саволлар туғилса керак. «Комсомольская правда»нинг Ригадаги мухбирлар пункти ушбу қарор хусусида яна тўхтаб ўтишга ва саволларингизга батафсил жавоб қайтаришга тайёр. Шу жумладан бошқа саволларга ҳам. Ригадаги телефонимиз: 247758.

Съезд тугади. Латвия ЛКСМ МҚ янги биринчи котиби Я. Урбанович ва ҳали жуда ёш бўлган (20 яшар) мафкура бўйича котиби А. Маркотслар ишга киришишди. ВЛКСМ МҚнинг биринчи котиби В. Мироненко съезд тўғрисида ўз фикрини қуйидагича ифодалади.

— Латвия комсомоли съездидаги воқеалар мен учун кутилмаган воқеа бўлмади. Мен сафида турли қарашдаги кишилар бўлган жумҳурият комсомолидаги аҳволни яхши биламан. Нимаики бўлган бўлса ҳаммаси рисоладагидек. Тўғри шу пайтгача ҳали жаҳонда бирорта ҳам сиёсий ташкилот федерация принципида қурилмаган. Бироқ шуни ҳам ҳисобга олиш керакки бу — ёшлар ташкилоти. Дарвоқе жумҳурият комсомоли Низомидаги айрим ўринлардан Бутуниттифоқ Уставида ҳам фойдаланиш мумкин. Ишончим комилки ВЛКСМ ҳам, жумҳуриятлар комсомол ташкилотлари ҳам ҳаммамизда кучли томонларни олиб, бўш томонларини иркитишга масъулият бўлса, уни демократик, социалистик ҳуқуқий давлат шароитида фаолият кўрсатишга мослаштира олсаккина яшаб қолишлари мумкин. Бу ўринда биз учун асосий йўл кўп қиррали бўлгани ҳолда бирликка интилиш бўлиши керак.

Олдинда ВЛКСМ XXI съезди. Иттифоқимиз янгиланадими, ҳақиқатан ҳам ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган бўладими — буни вақт кўрсатади.

Бироқ бугунданоқ маълумки, ВЛКСМнинг XXI съезди ҳам Ригада, жумҳурият комсомоли съездида жаранглаган саволларга жавоб бериши керак. Жавоб берганда ҳам мустақил, ўнгдан ҳам, чапдан ҳам бўладиган тазйиққа учмаслиги лозим. Бунинг учун ҳам жасорат керак.

К. МАРКАРЯН.
(Ўз мухбиримиз)
Рига.

БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ИСЛОМОБОД, (ТАСС). Совет Иттифоқи бизнинг шимолдаги буюк қўшнимиздир, шунинг учун ҳам биз у билан энг самимий ва ўзаро фойдали муносабатларнинг ўрнатилишига интиламиз,— деди Покистон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Танвир Аҳмадхон. «Мен Покистон—Совет муносабатлари янада мустаҳкамланиши истиқболларидан ғоят умидворман. СССРнинг дўстона ёрдами билан Карочида қурилаётган металлургия заводини ана шундай ўзаро фойдали икки томонлама ҳамкорликнинг ажойиб намунаси деб аташ мумкин». «Афғон муаммоси Покистон—Совет муносабатлари ривожланишига муайян даражада тўсқинлик қилишни давом эттирмоқда, бироқ бу муаммонинг ҳал этилиши билан мамлакатларимиз олдида янги кенг истиқболлар очилади. Яқин келажакда бунга эришилишига умид қиламиз»,— деди Т. Аҳмадхон.

Афғонистондаги совет ҳарбий асирлари озод этилиши масаласига тўхталиб, Т. Аҳмадхон Покистон бу ишда СССРга ёрдам берган ва ёрдам бераверади, деди. Шу билан бирга у совет ҳарбий хизматчилари қуролланган оппозиция ҳам асирга тушган мужоҳидлар озод этилишидан манфаатдордир, шунинг учун ҳам муаммонинг икки томонлама ҳал этилишига интилади.

ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Туғилиш устидан назорат қилиш учун шошилинч чоралар кўрилмаса, ҳозир 5,3 миллиард киши яшаётган ер юзида 40 йилдан кейин икки барвар кўп, келгуси асрнинг охирига бориб эса 27 миллиард одам яшайди. Вашингтондаги «Нуфус соҳасида танг аҳволни ўрганиш комитети» деб аталган тадқиқот ташкилотининг бу ерда тарқатилган баёнотида шулар хабар қилинади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жаҳон аҳолисининг сони 9-10 миллиард атрофида бўлиши учун оилаларнинг 75 фоизи туғилиш устидан назорат ўрнатиш воситаларидан фойдаланишлари ва бўлажак асрнинг бошида ҳар бир оила ўртача 2 фарзандли бўлиши лозим.

МИТИНГ БЎЛДИ

София, (ТАСС). Якшанба куни бу ерда бўлган митингда 200 мингга яқин киши қатнашди. Ана шу митинг билан Болгария Демократик кучлар уюшмаси ўзининг сайловолди курашини бошлади. Митингда қабул қилинган ҳужжат «Иккинчи болгар жумҳурияти, янги давлати ва янги конституцияси учун» курашаётган оппозициянинг режалари тўғрисида умумий тасаввур беради. Демократик кучлар уюшмаси раҳбарларидан бири П. Симеоновнинг айтишича, оппозиция мамлакатда янги тажрибалар ўтказилишини энди хоҳламайди, бинобарин эркинлик, хусусий мулкчилик, бозор хўжалиги ва кўп партиялилик системасинигина истайди.

Митинг резолюциясида Болгария тинч сиёсат юритиши таъкидланади. Ғарбий Европа давлатлари билан муносабатларга устунлик берилиши, Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда Совет Иттифоқи билан анъанавий муносабатлар сақланиши ва тенг ҳуқуқли асосда ривожланиши лозим.

Фуқаролар қўллаб-қувватлашмоқда

Прага. (ТАСС). Чехословакия фуқаролари ўз президенти В. Гавелни мамлакат сиёсий ҳаётида кўпроқ ишончга муносиб бўлган вакил деб ҳисобламоқдалар. Фуқаролар ўртасида сўраб билиш натижаларига кўра, уларнинг 60 фоизи президентни қўллаб-қувватлаган.

Ундан кейинги ўринларда ЧССР ҳукуматининг раиси М. Чалфа (8 фоиз), федерал кенгаш раиси А. Дубчек (7 фоиз), шунингдек, ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари В. Комарек ва ЧКП раиси Л. Адамец (иккалови — 5 фоиздан) бормоқдалар. ЧТКА агентлиги ЧССРда шу ойда жамоатчилик фикрини билиш юзасидан ўтказилган сўнгги савол-жавобларга таяниб, шу маълумотларни келтиради.

Агентликнинг уқтиришича, одамлар ўз умид-орзуларини энг аввало «граждан анжумани» ва «жамоатчилик зўравонликка қарши» сиёсий ҳаракатлари билан боғламоқдалар. Сўралган кишиларнинг 71 фоизи ана шу ҳаракатларни ёқлаб чиққан. «Кўкатпарварлар» партияси оммавийлиги жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллади. Сўралган кишиларнинг 85 фоизи ҳозирги федерал ҳукуматни қўллаб-қувватламоқда. Агентлик Чехословакия Компартиясининг қай даражада машҳурлиги тўғрисидаги маълумотларни айтмади.



Жанубий кореялик хотин-қизларнинг оғир атлетика билан шуғуллана бошлаганига эндигина икки йилдан ошди. Лекин улар ҳали халқаро беллашувларда унчалик муваффақият қозонганларича йўқ. Шундай бўлса-да, аёлларнинг оғир атлетикага бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бораяпти.

СУРАТДА: Сеулдаги гимнастика мактабларидан бирида оғир атлетика бўйича олиб борилаётган машғулотлар акс этган.

(ТАСС суратхроникаси).

НИКАРАГУАДАГИ САЙЛОВ

МАНАГУА. (ТАСС) Никарагуа президенти Даниэль Ортеганинг тан олишича, якшанба куни ўтказилган умумий сайлов давомида берилган овозларини ҳисоблаш натижаларига кўра оппозициядаги миллий уюшмадан президент лавозимига номзод Виолетта Барриос де Чаморро олдинда бормоқда.

Манагуада мухбирлар билан ўтказилган суҳбатда Д. Ортега сандиночилар фронти 1979 йилдан диктатор Сомоса истибдодини ағдариб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини, сўнгра эса 10 йилдан кўпроқ вақт давомида Никарагуа халқининг энг муҳим манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилганлигини уқтириб ўтди. 25 февраль куни республикада бўлиб ўтган ялпи сайлов урушга бутунлай чек қўйиши, Никарагуа халқининг тинч турмушини таъминлаши лозим, деди президент. Сандиночилар миллий озодлик фронти Никарагуа сайловчиларининг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилади, деб таъкидлади у.

Овозларнинг 61 фоизини ҳисоблашга асосланиб, Никарагуа олий сайлов кенгаши берган маълумотларга қараганда, Виолетта Барриос де Чаморрони ёқлаб сайлов бюллетенларининг 54,8 фоизи берилган. Даниэль Ортега овозларнинг 41,5 фоизини олган.

Виолетта Барриос де Чаморро журналистларга «Ҳукуматимнинг бош вазифаси миллий ярашга, Никарагуанинг тинчлиги ва иқтисодий фаровонлигига эришишдан иборат бўлади», деди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

КАТМАНДУ. Непалда демократик ўзгартишлар қилиш ҳаракатининг иштирокчилари якшанба куни пойтахт марказида туркум намойишлар ўтказдилар. Улар мамлакатдаги сиёсий системадан норози эканликларини билдириш учун қора байроқлар кўтариб ва қўлларига қора боғичлар боғлаб кўчаларга чиқдилар. Қора ранг Непалда норозилик рамзи ҳисобланади. Парламент депутати П.Р. Туладхар, Катмандунинг собиқ ҳокими Х. Б. Бхаттараи, Непалда тақиқланган Компартиянинг раҳбарлари Хеманта Бейси билан М. М. Диксит намойишга бошчилик қилишга уринганларида Нью-Роуд марказий кўчасида ҳамманинг кўзи олдида тутилиб, калтакландилар.

Пойтахтнинг асосий касалхонаси бўлган «Бир хоспитал» ходимлари икки соатлик норозилик иш ташлаши ўтказдилар. Унинг иштирокчилари маъмуриятни намойишчиларга қарши ўқ отувчи қурол ишлатганлиги учун қораладилар. Норасмий маълумотларга қараганда, сўнгги бир ҳафта ичида қарийб 50 киши ҳалок бўлган.

Непал Конгресси Партияси (НКП) билан бирлашган сўл фронт — Компартиянинг етти гуруҳи блоки бутун мамлакатда бир ҳафта муқаддам бошланган кўп партияли демократияни тиклаш ҳаракатининг ташкилотчилари бўлди. НКП ва бирлашган сўл фронтининг барча раҳбарлари қамоққа олинди. Ҳаракатга яширин мувофиқлаштириш комитети раҳбарлик қилмоқда.

(ТАСС)

Савол беринг

Салман РУШДИ.

Кўринмас одамми?

Матбуотда анчадан бери «Шайтон сураларн» китобининг муаллифи ҳақида эсга олинмай қўйилди. С. Рушдининг тақдири ҳозир қанақа!

С. ВСЕЛЮБСКИЙ.
Харьков.

Лондондаги махсус мухбиримиз А. КУПРИЯНОВ жавоб беради:

Лондондаги районларнинг биридан Рушдининг уйини зўр қийинчилик билан излаб топишга муваффақ бўлдик. Ҳеч ким на унинг адресини, на телефон номерини беришни истамасди. «Экстремистлар ҳазиллашишмайди, деб тушунтирди ёзувчини биргаликда қидиришга рози бўлган англиялик танишим. — Менга айтишларига кўра, «Индепендент» газетасида яқинда Рушдининг эссе-очерки эълон қилиниши биланоқ редакция биносидаги деразаларнинг ойналарини дарҳол зирҳлиларига алмаштиришга тўғри келган...»

«Қандайдир қўрқувлар!» — ҳайрон бўлдим мен, бу бўш уйнинг эгаси ҳақида қайси йўловчидан ёки кимдан сўраманг ҳеч қандай натижа бўлмади.

«Билмаймиз, кўрмадик, ўқимаганмиз», — бу гал ҳам шундай жавоблар бўлди. Баъзилар эса бир неча қадам нарига бориб бизга шубҳа билан қарашарди. Рушдининг ишончли вакили Гилен Эйткен билан гаплашганимиздан кейин ҳам уни учратишнинг иложи бўлмади.

Салман Рушди номи атрофидаги қўрқув — бу шунчаки хаёлпарастлар ўйлаб чиқарган нарсанинг самараси, газеталардаги рекламаларнинг шов-шувлари эмас. Ёзувчининг уйидаги деразалар мустаҳкамлаб беркитиб ташланганлиги, Рушдининг асарлари сотилган китоб дўконларига бўлган ҳужум, «Шайтон суралари»нинг гулханда ёндирилиши ва ёзувчининг боши учун ваъда қилинган миллион ҳам — буларнинг ҳаммаси ҳақиқатдир.

Шов-шувга сабаб бўлган китобни юмшоқ муқовада (ўқувчиларга ўқишда қулай бўлсин деб) яқинда нашрга қайта тайёрланаётганлиги ҳақидаги эълон яна турли хил акс-садога сабаб бўлди. Баъзилар, мисол учун, машҳур спортчи М. Гатинг ёзувчи ўз овозини ўқувчига хоҳлаган усулда етказишга ҳаққи бор, деб ҳисоблайди ва тўдаларнинг бўйсунмаслигини айтган. Ёзувчи Р. Даль эса ташвишга тушиб: «Шайтон суралари»нинг яна пайдо бўлиши тартибсизликка ва ҳатто қон тўкилишига сабаб бўлмайдими? — демоқда. Нашр оппонентларининг асосий фикри эса: «Ҳеч бир китобнинг нархи бунчалик баланд бўлмайди». «Суралар»нинг янгидан чоп этилиши гиж-гижларга сабаб бўлади ва фақат экстремистларга қўл келади...

Бу баҳсга ҳакамлик қилмоқчи эмасман. Айниқса, уни ўқимай туриб, яхши-ёмон дейиш қийин. Лекин қуйидагиларни ҳисобга олиш керак деб ўйлайман: тўғри, диндорларни қайси йўл билан бўлса ҳам ҳақорат қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Бироқ, ёзувчини йўқ қилиш билан қўрқитиш — баҳслашиш усулими, файласуфга таъсир ўтказиш усулими?

Тоқат қилиш мумкин бўлмаган бу қаҳр-ғазаб қандай пайдо бўлди? Жанжал бир йил илгари чиққанди. Кўплаб мусулмонлар — мамлакатда юздан ортиқ очиқ мачит бор, Рушдининг диндорларни ҳақорат қилувчи китобини ўқишган. Авж олган баҳсларни Теҳрондан келган «қатл этилсин!» деган овоз тинчитди.

Ижтимоий-диний, агар шундай дейиш мумкин бўлса, қарама-қаршилик сиёсий тус ола бошлади. Рушди ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлиб, «яширин ҳолатга» ўтди. Буюк Британия ҳукумати қатъий қаршилик билдирди ва мусулмонларнинг таҳдидини халқаро терроризм деб баҳолади. Эронлик дипломатларни Лондондан чақариб олиш эълон қилинди.

Рушдининг хотини ҳам кетиб қолди... У доимо боши узра ўлим таҳдид қилиб туришига чидай олмади.* Рушдига келган почтани ташлаб кетган уйидан велосипед минган бир киши келтириб туради. Агар «Шайтон суралари»ни қўлига олмаган террорчилар почтальонни қаёққа кетаётганини кузатсалар борми?..

Бир неча кун муқаддам Рушдининг номи Британия ижтимоий-сиёсий доираларда яна тилга олина бошлади. Бир йил мобайнида ёзувчи жим юрганлик қоидасини бузди. У юқорида айтиб ўтилган эссе-очеркини эълон қилди. Унда зўр бериб ҳеч қачон мусулмон эмаслигини ва ўз китобида шаккоклик қилмоқчи бўлмаганлигини айтган. Лондондаги замонавий санъат институтида Рушдининг лекцияси ўқилган. Уни автор эмас, балки унинг дўсти драматург Гарольд Пинтер ўқиган. Салман Рушдига ўлим аввалгидек хавф солиб турибди. Айрим мусулмон шарҳловчилари у кейинги чиқишида муросага келишга ҳаракат қилган, деб ҳам кўрдилар. «Мен кўплаб мусулмонлар руҳий изтироб ва оғриқ сезганларини тан оламан. Балки, ҳақиқат йўли, бу ўртадаги оғриқларни ўзаро тан ола билишда ҳам бўлса керак, — деб ёзади Рушди ўз эссесида.

Бироқ мачитлар кенгашининг бошлиғи Л. Гуссейн С. Рушдининг ўзаро келишувини қабул қилмади. Ёзувчининг лекциясини у кечирим сўраш эмас, балки пул ишлаш учун ўзини тарғиб қилиш деб баҳолаган. Хўш, Рушди бугун ким? Кўринмас одамми? Адиб, донишманд, эркин дунё фуқаросими? Ёки диний мутаассиблик қурбонними, эҳтиётсизлик асирими, катта сиёсий компьютердаги кичик тугмачами? Унинг инсонпарварликка, инсонийликка чақирувчи даъватига қулоқ тутишармикин?

Мураккаб савол. Уни мен бир Буюк Британия фуқаросининг фожиали тақдири учунгина бераётганим йўқ. Шу сўзларни ёзаяпман-у, хаёлимни мамлакатимиздаги фожиали воқеалар чулғаб олган — Гуржистон, Арманистон, Озарбайжон... Энди эса Тожикистон ҳам.

Инсонпарварлик, ўзаро тушунувчанлик, сабртоқатлилик бу туйғулар ҳозир биз — мусулмон, тарсо ва даҳрийларга қанчалик етишмаётир.

«Диско» усулининг пирими?

«Диско раққоси» фильмида бош ролни ўйнаган ҳинд актёри Митхун Чакрабортининг ашаддий мухлисиман. Лекин, у ҳақда исми ва шарифидан бошқа ҳеч нарса билмайман...

Л. КОСИХ.
Тошкент.

Митхун Чакраборти 1950 йилда Калькуттада туғилган. 60-йиллар охирида сўл экстремистларнинг чиқишларида иштирок этган. Сиёсий жиҳатдан ишончсиз деган номни олган Чакраборти Бомбейга жўнаб кетишга мажбур бўлади.

1972 йилда у Кино ва телевидение институтининг актёрлик факультетига ўқишга киради. Толиблик чоғидаёқ уни бир йўла икки фильмга — «Икки нотаниш» ва «Қироллар ови» фильмида суратга тушишга таклиф қилишади. Актёрга муваффақият йўлдош бўлади. Лекин кинога олиш тугагандан кейин Чакрабортини жиддий жанрда ўйнайдиган актёрлар «рўйхати»га қўшиб қўйишади ва у бир неча йилларгача фақат эпизоддаги ролларнигина ижро этади.

«Диско раққоси» фильми экранга чиққандан сўнг Чакрабортининг устига «тижорат» тўлқинлари ёғила бошлайди ва у Ҳиндистоннинг энг оммабоп актёрларидан бирига айланади. (Шоҳсупанинг биринчи поғонасида Амитабх Баччан, кейин — Митхун Чакраборти ва Говинди туришади).

Кинода ўн уч йил ишлаб у юзлаб фильмларда суратга тушишга муваффақ бўлди. Улар орасида «Тинчлик бўлмайди», «Ота номи билан қасамёд», «Севги букилмайди», «Ўйна, ўйна» фильмлари бор. «Оила», «Севгининг икки дақиқаси» ленталари таржима қилиб бўлинди ва яқинда бизнинг экранларимизга чиқарилади.

Маълумот учун: Ўтган йили Митхун Чакраборти 50 дан ортиқ фильмда суратга тушган.

Граф «Советская» меҳмонхонасида...

БИР НЕЧА КУН МУҚАДДАМ «ШЕРЕМЕТЕВО» АЭРОПОРТИДА АВИАЛАЙНЕРНИНГ ЗИНАПОЯСИДАН ФРАНЦИЯ ФУҚАРОСИ ШЕРЕМЕТЕВ П. П. ТУШДИ

Пётр Петрович Шереметев — Россияда биринчи бўлиб граф унвонига эга бўлган ўша машҳур аждоднинг ворисни. Шереметевлар ўртасида кўплаб буюк шахслар бўлган. Улар Россия тарихида сезиларли из қолдиришган: биргина Улуғ Пётрнинг сафдоши, Полтава остонасида швед қироли Карл XII қўшинларини тор-мор этган Борис Петрович Шереметевни олайлик. Москвада Шереметевлар номи билан боғланган фақат биргина аэропорт эмас, собиқ граф ерларида жойлашган — пойтахтдаги Шереметев кўчаси, Останкинода ва Кусковода ажойиб саройлар ансамбллари, собиқ Сухаревкадаги Мискинлар уйи ва кўпгина бошқа рус моддий ҳамда маънавий маданиятининг ёдгорликлари сақланиб қолган. Биз белгиланган вақтда «Советская» меҳмонхонасида граф билан учрашган пайтимизда Шереметев қўлида М. И. Кутузовнинг безакли биографик буклетини ушлаб ўтирарди.

— Новодевичье ибодатхонасидан ҳозиргина харид қилдим, — дейди Пётр Петрович, — яхши безатилганлиги эътиборимни тортди. Кутузов ҳам менинг узоқ аждодим. Айтгандек, Суворовга ўхшаш.

Биз сўнгги вақтларда ўзимизнинг томирларимизни йўқотиб қўйганлигимиз тўғрисида тез-тез гапирмоқдамиз, аммо тарихий ўтмишни шунчаки йўқ қилиб юбориш осон эмаслигини унутиб қўймоқдамиз. Биз бир неча ўн йиллар мобайнида хорижда жойлашиб олган ватандошларимиз — маданият ва анъаналарнинг ташувчилари яшаётганлиги фактидан юз ўгиришни афзал билдик. Ҳозир кўзни каттароқ очиш ва ташқи дунё билан, бизда қабул қилинганидан бирон бир фикр фарқ қилишидан чўчимай, очиқчасига мулоқотни бошлаш пайти келди. Биз Пётр Петрович Шереметев билан мусоҳаба вақтида ана шу принципга амал қилишга келишиб олдик. Суҳбат рус тилида борди, шундан ҳам суҳбатдошимнинг ифодаларини сақлаб қолишни афзал кўрдим.

— Жаноб Шереметев, тадқиқотчилар мамлакатимиздан хорижга чиқиб кетишнинг бир неча тўлқини бўлганлигини қайд қилишади. Хорижда муҳожирларнинг «авжратиш» сақланиб қолганми?

— Ҳа, албатта сақланиб қолган. Бу ҳатто жамоалар соҳасида ҳам акс этади. Масалан, мен муҳожирларнинг бир неча тўлқинини, сиз уларни чиқиб кетувчилар, деб атайдиганлар билан бирмунча алоқам бор, лекин бу танишувлар унчалик кўп эмас. Менинг муносабатим иккинчи тўлқин — 1945 йилдан кейин Европада пайдо бўлган муҳожирлар билан қалинроқ. Дастлабки муҳожирлар билан алоқаларимиз ҳар ҳолда мустаҳкам, албатта. Улар орасида қариндош-уруғларим оз эмас. Ғарбда кўпдан буён яшашмоқда, кексайиб қолишган, лекин улар бор. Жумладан, мен ўз вақтида Россиядан чиқиб кетишга мажбур бўлганлар наваръасиман. Дастлабки муҳожирларнинг чеваралари Францияда истиқомат қилишаяпти. Рус кишиларининг қанчадан-қанча авлод-аждодлари хорижда туғилганлигини кўриб турибсиз **(баъзи бир тадқиқотчилар Чор Россиясидан чиқиб кетиш тўлқинлари юз берганлигининг асосий сабаблари, иккинчиси — муҳожирлик 1917 йил ва ундан кейинги йилларда, собиқ совет ҳарбий асирлари ва Германияга ишга ҳайдаб кетилганлар бўлиб, Сталиннинг лагерларига тушиб қолишдан чўчиб, урушдан кейин Ватанига қайтмаганлар, муҳожирликнинг учинчи тўлқини 70-йилда бошланган, деб ҳисоблайдилар. Эндиликда муҳожирликнинг тўртинчи тўлқини юзага келди — редакция изоҳи).**

— Сизнинг оилангиз қандай жўнаб кетган?

— Бунинг сабабини очиш зарурати йўқмаяпман. Онамнинг отаси бобом император ҳазрати олийларининг суворийлар полкига қўмондонлик қилган, ўз-ўздан равшанки, кўнгиллилар (фуқаролар — редакция изоҳи) урушида қатнашган. Император ўлдирилгандан кейин қўшинларимиз чекина бошлади. Онам — бирга қизча Қримда 1919 йилда Россияни тарк этаётган сўнгги кемалардан бирига тушган. Кўпчилик билан ана шундай ҳол содир бўлган. Отам хусусида шуни айтиш керакки, инқилобдан сўнг у ака-укалари, опа-сингиллари ва қариндош-уруғлари билан амалда тутқун ҳолга тушиб қолган: уларга белгилаб қўйилган жойдан бирон бир ерга кетиш тақиқланган. Бобом барча хўрликларга бардош бераолмай, қазо қилади, шундан бувим швед дипломатларидан бири билан сохта никоҳни расмийлаштириб, бу бутун оиланинг 1924 йилда Россияни тарк этиш имкониятини беради. Отам бор-йўғи ўн ёшда бўлса ҳам, буни бутун умри мобайнида унута олмади. Менимча, аламли хотиралар отам 60 ёшга етар-етмай вафот этишига сабаб бўлган.

— Сиз Францияда таваллуд топганмисиз?

— Мен Марокашда таваллуд топганман, отам 1929 йилда шу ерга келиб қолган. Менга ғоят омад кулиб боққан, деб ҳисоблайман. Францияга қараш бўлган бу мамлакат ўша пайтда мустақил ривожланиш йўлига эндигина кирган бўлиб, унга ҳаддан зиёд иш кучлари талаб этиларди, давлатнинг ижтимоий муҳити бунга алоҳида рух киритарди. Биз совуқ ва намхуш Францияга қараганда ҳатто иқлими шарт-шароитлари анча қулай бўлган ғаройиб мамлакатда яшардик: нурафшонлик, кенгликлар, ям-яшиллик, денгиз, тоғлар — барчаси бизнинг тасаввуримизда эди. Буларнинг барчасига бу Библия мамлакати эканлигини қўшадиган бўлсам, менга, православларга турли динларни таққослаш имконияти туғилганди. Бу ҳам маънавий, ҳам интеллектуал жиҳатдан улкан мадад эди. Мен оламга четдан туриб қараш одатланганман — бу мен учун жуда муҳим ёндашишдир.

— Сизнинг Россия билан сиртдан танишишга вақтингиз бўлган. Ана шу йиллар мобайнида авлод-аждодларингизнинг манфаатларини сизда нима қўллаб-қувватлади? Сиз хориждаги рус маданияти тўғрисида нима дея оласиз?

— Мен барча миллий анъаналарни авайлаб-асраган рус муҳитида ўсдим. Уйда Россия тўғрисида бир талай китоблар мавжуд эди. Менинг оилам рус тили биз учун ҳамиша она тили бўлиб қолишини талаб қиларди, чиндан ҳам бу тушунарлидир. Агар Шереметевлар рус тилида гапирмасалар — бу ор ва номус. Афсуски, ота-оналари болаларини рус тилига ўргатишга улгурмаган болалар ҳам оилалар ҳам бор. Бу даҳшатли нарса, мен буни ёқламайман. Мен болаларимни рус тилида гаплашиладиган диндор бўлган черковга қатнашиларини талаб қиламан. Чунки Парижда ибодат қилиш француз тилида ўтадиган православ черкови пайдо бўлди.

Уйда Россия тўғрисида ҳамиша кўпдан-кўп китоблар бўлиб, уларни болаликдан мутолаа қилардим. Мен Россияни ўргандим, Россия империясининг тарихи оиламнинг тарихи билан ғоят узвий ҳамоҳанг эди. Ўз наслим тўғрисида яхши хабардор эдим. Чунки мени шундай қилиб тарбиялаганлари табиийдир. Шереметевлар айниқса, Полтава жангидан сўнг, ҳамиша рус маданиятининг: адабиёти, мусиқаси, меъморчилиги, театри... ҳимоячилари бўлганлар. Узингиз тасаввур қилинг, рус маданияти муҳожирларига ҳам йўқолгани йўқ. Биз черков хор қўшиқларини, рус романсларини, халқ қўшиқларини сақлаб қолганмиз. Менга мусиқа маданияти тўғрисида гапириш осон, чунки мен Франциядаги Рус мусиқа жамиятининг раисиман. Бунга ўз аждодларимнинг анъаналарини давом эттираяпман, деб қарайман. Бу хорижий Европадаги рус консерваториясига эга бўлган ягона жамият бўлиб, у Раҳманинов номи билан юритилади. Бизда қарийб 500 талаба, 40 нафар профессор бўлиб, шуларнинг 25 киши русдир.

Рус хорижийлари ичида фақат маданиятнинг буюк арбоблари эмас, балки истеъдодли муҳандислар, геологлар, олимлар, ишбилармон кишилар ҳам етишиб чиқди. Масалан, рус геологи Меншиков (рус тарихида бу таниқли фамилия) жаҳонда биринчи бўлиб Саҳройи кабирнинг харитасини тузиб чиққан, амакиваччам барон Майндорфор билан биргаликда ана шу саҳрода нефть конини очган. Уларнинг Ватани 1917 йилда мана шундай кишилардан жудо бўлди.

— Билишимча бу сафарингиз, Совет Иттифоқига биринчи ташрифингиз эмас. Мамлакатимизда юз берган ўзгаришларга сиз қандай баҳо берган бўлардингиз?

— Ҳақиқатан мен биринчи бор Москвада Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бораётган 1979 йилда бўлганман. Ушанда мен ўйинларни Америкага олиб кўрсатиш билан боғлиқ бўлган иш юзасидан келгандим. Бироқ, Америка маъмурияти Афғонистон туфайли Олимпиадани бойкот қилишга қарор берди, №ВС телекомпанияси олиб кўрсатиш ҳуқуқини йўқотди. Мен эса Москвада бўлиш имкониятига эга бўлдим. Тўғри, яна мен бу ерга шахсий таклиф бўйича келдим. Бу ерда менинг оилам билан боғлиқ бўлган жамики нарса қалбимга муҳрланиб қолди. Орадан яна ўн йил ўтгандан сўнг келганимда мутлақо бошқа муҳитни, катта ўзгаришларни, менимча, улар самимий бўлганлигини сездим. Бу биз, хорижда бўлган руслар учун, улкан умид ҳокимияти тепасига М. С. Горбачев келиши билан туғилган.

— Ҳозирги ташрифингиздан қандай мақсад кўзланган?

— Мен — меъморман, Парижда устахонам бор. Француз С. Р. ДЕМ фирмаси билан биргаликда Арбат зонасини таъмирлаш тўғрисида музокаралар олиб бораётирмиз. Унда совет томонидан, расмий вакиллардан ташқари, «Арбат» жамоатчилик қўмитаси — таъқиқлаш ҳуқуқига эга бўлган орган ҳам иштирок этиш асосида қатнашмоқда. ДЕМ таклифлари эса ғоятда жозибали: биринчи бор бўлса керак, Европа фирмаси фойдани зудлик билан олишдан воз кечмоқда — таъмирланган кварталлар берадиган даромадни таъмирлашни такомиллаштиришга сарфлашни таклиф қилмоқда. Бу узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик ҳаракатномаси. Ана шу туфайли Москва ва Париж ўртасида алоқаларни ривожланишига тайёрман.

Мусоҳабани **В. НОРЧАКОВ** олиб борди.

ВЕЛОСИПЕД ИХТИРО ҚИЛИШДИ

Ленинград шаҳар ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб Ленинград шаҳри ва вилоятида велосипедлар учун нархи 3 сўм бўлган номер белгиси ва 15 сўм тўлаб велосипед ҳайдовчиси гувоҳномасини олиш учун кўча ҳаракати қоидаларини ўқитиш жорий қилинди. 440-мактабнинг ўқитувчилари болалар ҳисобига навбатдаги солиқни ундирмасдан, кўча ҳаракати қоидаларини мактабда фан сифатида ўқитишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Ўқитувчилар гуруҳи.



«Болалар — бизнинг келажагимиз!» «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» Тан олиш керак, болалар ҳақида айтилган, улар номига битилган шиорлар, чақириқлар керагидан ҳам ортиқча. Биз эса борларини ҳам «ҳазм» этолмаяпмиз. Оз бўлсин-у соз бўлсин мақоли ҳам четда қолиб кетаётгандай. Тўғрида, кичкинтойларимизга амалда ғамхўр бўлишимиз шарт. Биз эса уларни ваъдалар билан...

Тбилисида сал бошқача. Бу ерда бўлғувси авлод вакилларига алоҳида эътибор берилади.

Ушбу суратда Гуржистондаги Суконой конвол комбинати болалар боғчасида ташкил этилган урф-одатлар бурчагида машғулот ўтишаётгани тасвирланган.

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Чернобиль акс-садоси

БИРОҚ, РАДИОАКТИВ МИНТАҚАДА СОҒЛИҒИНИ ЙЎҚОТГАНЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ БУЙРУҚ БИЛАН ТУГАТИБ БЎЛМАЙДИ.

Инсон сўнгги чорани таъсирнинг ўзга воситалари кор қилмаганидан сўнггина қўллайди. Ўз-ўзига: «Бас-да!» дейиши тайин. Бу итальян тилида «Бас, етар!» деган маънони билдиради. Аммо иш ташлаш фақат соғлом кишиларнинг қўлидан келади, холос. Яқинда Харьков радиология медицинаси илмий текшириш институти клиникасининг ва шаҳарнинг бошқа даволаш муассасаларининг бир неча ўнлаб мижозлари очлик эълон этишга қарор қилдилар. Улар одатдаги мижозлар эмас... Гап шундаки, бундан тўрт йил муқаддам улар бутунлай соғлом бўлишган. Чернобиль АЭСида фалокат юз берганидан сўнггина, унинг оқибатларини тугатишда иштирок этиш натижасида улар беморлик тўшагида ётишга мажбур бўлишган. Бу ерда улар шифокорлар касаллик юқори радиацияли минтақадаги ишларда иштирок этиш туфайли пайдо бўлганлигини бутун куч билан инкор этишдек муҳим хуфёна вазифани унутмасликка киришиб даволашларига амин бўлдилар. Мамлакатда беморлар сафи орта борди ва Киевда «Беморлик ва ногиронликнинг Чернобиль АЭСида рўй берган авария оқибатларини тугатиш билан сабабий боғлиқлиги ва уларнинг профессионал характерини аниқловчи Марказий идоралараро экспертлар кенгаши» деган узундан-узоқ номли маъмурият ташкил этилди. Жабрдийда ўз кулфатининг Чернобилга алоқадорлигини исботлаши учун энг камида ҳамма ҳам йиғишга кучи етавермайдиган ўнта /!/ давлат қоғозини тўплаши керак.

Харьковлик очлик эълон қилганларнинг икки асосий талаби мавжуд: СССР Соғлиқни сақлаш нозирлигининг Чернобиль АЭСида рўй берган фалокат оқибатида радиоактив нурланиш борасидаги маълумотларни маҳфийлаштириш тўғрисидаги хуфёна кўрсатмасини бекор қилиш ва экспертлар кенгаши тармоғини кенгайтириш. «Қизиққонлар» овқат истеъмол қилишни дарҳол тўхтатишни эълон қилишга интилдилар. Ақл билан иш юритишни истовчилар уларнинг бу ҳаракатини қоралаб... аввалига Москвага вакил юборамиз, Москва нима деса, шунга қараб иш қиламиз, дедилар.

Шундай қилиб, собиқ «авария оқибатларини тугатувчилар»дан олтитаси пойтахтга етиб келишди. Бир неча кун ўтгач эса, тасаввур қиласизми, бутунлай мамнун ҳолда ортга қайтишди. Нимадан мамнун ҳолда деяпсизми? Келинг, Чернобиль АЭСи аварияси оқибатларини тугатишда иштирок этганлар Харьков уюшмаси аъзоси Олег Краковскийнинг сўзларига қулоқ тутайлик:

— Биз аввалига СССР Нозирлар Кенгаши қабулхонасида бўлдик. У ерда бизни тинглашмади. Нозирлар кенгаши бундай муаммолар билан шуғулланмасмиш. СССР Соғлиқни сақлаш нозирлигида эса биз нозирнинг биринчи муовини Геннадий Васильевич Сергеевни учратишга муваффақ бўлдик. У бизга соғлиқни сақлаш нозирлигининг Чернобиль ҳақидаги маҳфий кўрсатмасини бекор қилиш борасидаги 1989 йил 21 августда қабул қилинган № 32 — 024 / 212 қарорини кўрсатди. Бундан ташқари, — деди Сергеев, — яқин орада уч иттифоқдош жумҳуриятда радиация миқдори олинганлиги билан боғлиқ касалликлар муаммоларини ўрганувчи қўшимча экспертлик кенгашлари тузилади. Бизни жуда яхши қабул қилган, асосийси дардларимизни кунт билан тинглашга ВЦСПСда ҳам қўшимча кенгашлар тўғрисидаги янгилик ростлигини таъкидлашди. Уйга қайтгач, биз Соғлиқни сақлаш нозирлигидан умидларимизни расман тасдиқловчи ёзма ҳужжатни кутадиган бўлдик. Ана шу ҳужжатни олсак, очлик эълон қилишни тўхтатамиз. Ҳозирча бу ҳужжат берилиши орқага сурилиб келаяпти.

— Мен очлик эълон қилиш инжиқлик эмас, ўзимизга диққатни жалб қилиш воситаси деб тушунишларини истардим, — дейди Валерий Бреславец. — Илгари мен метро қурилишида ишлаб, ойига ўртача 360 сўм маош олардим. Ҳозир ўзимни доимо носоғлом ҳис қиламан: бошим оғрийди, қайд қилгим келади, ҳолсизман. Учинчи гуруҳ ногирониман. Пенсия 60 сўмдан ошмайди. Мени ўтказишган «енгил иш» да эса маош 140 сўм холос. Ахир давлат олдида мен қандай гуноҳ қилдим? Шу «енгил иш»да ҳам ярим кун ишлашга аранг қурбим етади....

Яқинда Москвада ЧАЭС аварияси оқибатларини тугатишда иштирок этганлардан бири — С. Шчеклин ҳам очлик эълон қилди. Бу ҳолда ҳам СССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги жамоатчиликнинг жабрдийдалар манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқини тан олди. «Шчеклин бўйича» тиббиёт комиссиясига «Чернобиль уюшмаси» Бутуниттифоқ ҳаракатининг ишончли мутахассислари аъзо қилиндилар.

Т. КОРСАКОВ.

«МЕН — ПОРАХЎРМАН»

СССР ОЛИЙ СУДИ ЖИНОИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҲАЙЪАТИНИНГ САЙЁР СЕССИЯСИ НИКОЛАЕВ ВИЛОЯТИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ СОБИҚ ХОДИМЛАРИНИНГ ПОРАХЎРЛИГИ БЎЙИЧА ҚЎЗҒАТИЛГАН ИШНИ ТЕКШИРМОҚДА

«Украина ССР суд ходимларига Николаев вилоят судининг собиқ аъзоси Н. Т. Чумачекдан.

Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, Украина ССР суд ходимларига ҳалол инсон ва суд ходими қадри, номусини йўқотиб қўйманглар, деб мурожаат қилмоқчиман.

Ҳаётим қизиқ ва мураккаб. Мени ҳурмат қилишарди ва мен билан ҳисоблашишарди. Катталар, тенгдошларим ўрнак олишга интилишарди. Инсонлар тақдирига аралашишга — суд ходими бўлишга маънавий ҳаққим бор, деб билардим.

Орзуим ушалди. Яъни ўқув юртини тамомлагач, кўп ўтмай вилоят суди аъзоси бўлиб ишлай бошладим. Лавозимимни қадрлардим, баъзиларнинг суд ходимлари ҳақидаги ножўя гаплари оғир ботарди.

Бироқ мен эгилдим, тубанлашдим, виждонимни «еб», биринчи бор пора олдим. Ўшанда суд қарори қонунга ва кўриб чиқилган ишнинг материалларига мувофиқ чиқарилди, пора эса (бошқача аташ мумкин эмас) меҳнатим учун бир мукофот, деб ўзимга таскин бердим. Бироқ шу-шу пора ҳақидаги ҳар қандай сўз этимни жимирлатадиган бўлди, гўёки ҳамма менинг порахўрлигимни биладигандек. Энди илгаригидай баъзи суд ходимларининг ноҳалоллиги тўғрисидаги гапларга эътироз билдира олмасдим. Қилган ишларим жиноят, ўзим эса порахўрман. Ҳаётимда нимаики яхши нарса бўлса, барини йўқотдим.

Мен жамоамиз юзини ерга қаратдим. Бирга ишлайдиган, менга ишонадиган ўртоқларимга панд бердим.

Сизнинг орангизда менга ўхшаш судьялар бор, демоқчи эмасман, дея олмайман ҳам. Аммо, барибир огоҳлантирмоқчиман: инсонлар, ақл-идрок билан иш тутинг, номус ва виждонингизни йўқотиб қўйманг, ўзингиз ва яқинларингизнинг келажаги ҳақида қайғуринг.

Ноҳалол йўл билан топилган пул ва ҳар қандай бойлик ҳеч қачон қувонч ҳам, фаровонлик ҳам, бахт ҳам келтиролмайди. Буни ҳис этиш учун менинг аҳволимга тушиш керак.

Н. Т. ЧУМАЧЕК,
22 март, 1989 йил...»

...Давлат айбловчиси ўқиб эшиттираётган ўз мурожаатномасини тинглай туриб, Николай Терентьевичнинг кўзлари ёшланди... Ахир яқиндагина Николаев вилоят судининг худди мана шу залида у қора курсида эмас, балки халқ маслаҳатчилари орасида ўтирар, Украина Герби остида раислик қилар ва жумҳурият номидан қарорлар чиқарар эди-да. Шунингдек, энг олий — ўлим жазоси ҳақида ҳам. Суд қиларди! Жумладан, порахўрларни ҳам...

Маддалаган яра 1987 йилнинг 24 августида ёрилди. Ўша куни эрталаб Николаев шаҳри яқинидаги Аляуди ярим ороли ҳудудида, Ингул дарёсининг қамиш босган қирғоқларида ёши анчага бориб қолган эркакнинг чирий бошлаган мурдаси топилди. Унинг кийимларини тинтув қилишганида, ёнидан Николаев шаҳрида яшовчи Д. И. Суслов номига ҳужжат, 56 сўм пул ва ён дафтарча чиқди. Экспертиза якунига қараганда, ўлим бир ҳафта илгари чўкиб кетиш натижасида рўй берган.

Мурда танасида зўравонлик излари топилмади. Пул ва ҳужжатлар ҳам жойида эди. Демак, ўйлашди терговчилар, у ўз жонига қасд қилган, шу туфайли жиноий иш қўзғамаса ҳам бўлади. Қавм-қариндошларига мурдани кўмишга рухсат беришди.

Марҳумнинг оиласидагилар оила бошининг бу қадар кутилмаган ишидан гангиб қолишган, унинг нима учун бу йўлни танлаганини ҳеч ким тушунтириб беролмасди. Бироқ прокурор ходимларини таажжубга келтирган нарса Дмитрий Ивановичнинг таржимаи ҳолидаги баъзи бир воқеалар бўлди.

Марҳум келинининг сўзларига қараганда, унинг қайнотаси ва Виктор деган бир эркак Николаев шаҳри Завод ноҳияси халқ суди раиси А. А. Ставничийга олти минг сўм пора беришганмиш. Марҳум бу ишни қўлга тушган гиёванд ўғлини чиқариб олиш учун қилган эмиш.

Кўп ўтмай 40 яшар такси ҳайдовчиси Виктор Радченко қамоққа олинди.

Аввалига қотилликка ва пора беришга алоқадорлигини инкор қилди. Кейин эса қуйидагиларни айтиб берди:

«...Мен узоқ қийналдим. Аввалига бу гапнинг учини чиқаришга жазм қилолмай юрдим. Чунки Н. П. Коваль (вилоят суди раиси) ва А. А. Ставничий менга ёрдам беришади ёки ҳеч бўлмаганда ўзимни қандай тутишим лозимлигини айтишади, деб ўйлагандим. Аммо билдимки, мен уларга керак эмас эканман. Шунинг учун барчасини ўзим айтиб беришим ва бошқа айбдорлар билан бирга жавобгарликка тортилишим оилам учун яхшироқ бўларди, деган қарорга келдим. Айтган гапларимни мен тилга олган шахслар билан юзма-юз қилишса ҳам, тасдиқлашга тайёрман».

Бу вақтга келиб Сусловнинг кўмилган мурдаси иккинчи марта экспертизадан ўтказилган эди. Аниқланишича, ўлим чўкиб кетиш натижасида содир бўлган, бироқ бу сафар қовурға, тил ости суяги сингани ва бошқа илгари сезилмаган жароҳатлар маълум бўлди.

Зудлик билан Сусловнинг ўлими бўйича жиноий иш қўзғатилди.

15 декабрь куни Радченко қотиллик қилганини тан олди. Ишни УССР Прокуратурасининг тергов қисми кўриб чиқадиган бўлди.

Айбланувчи Суслов ҳақиқатан ҳам ўғлини чиқариб юборишни сўраб Ставничийга 6 минг сўм берганини тасдиқлади. Бироқ, ўшанда Ставничийнинг ҳалоллиги тутиб кетдими, ёки кичик Сусловнинг қилмиши ҳаддан зиёд оғирмиди, ишқилиб судья пулни Радченкога қайтариб бериб, катта Суслов уни чўнтагига солиб қўйсин, деди. Аммо Суслов зурриёди шунчаки рамзий жазоланиши ҳақидаги таклифни нафақат рад этди, балки судья ўз фикрини ўзгартирмаса, «тегишли жойда» анча-мунча гап айтиб бериши мумкинлигига шаъма қилди. Аллақандай чақимчи дастидан қурбон бўлиб кетавериш судьянинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Шунинг учун у Радченкога 500 сўм берди ва бирор шерик топиб тажовузчини гумдон қилишни буюрди.

17 август куни кечқурун Радченко Сусловни гўёки Ставничий билан «ҳал қилувчи» суҳбатга таклиф қилди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ марҳумликка номзод «Жигули»нинг олдинги ўриндиғига ўтирди. Унинг орқасига эса Николаевдаги «Ремобувь» фабрикасининг қолипловчиси Степанов ўтирди. Аляуди ярим оролига қараб кетишди. Суслов пулни қайтариб олмайман, деб туриб олди. Шунда Радченко ўртоғига имо қилди...

Степанов қўлга тушган заҳотиёқ қотиллик қилганини тан олди. Энди фақат бу жиноятнинг келиб чиқиш тарихини билиш қолганди, холос.

Радченконинг сўзларига кўра, у 15 йил аввал Ленин ноҳияси халқ судининг судьяси В. П. Лелюк билан танишиб қолган ва унинг «қўлида» ишлай бошлаган. Лелюк жазо ўташ муддатини қисқартиришнинг ҳар йилига қатъий қилиб 1 «бўлак» (1 минг сўм) ўрнатганди. Радченкони Коваль билан таништирган ҳам Лелюк бўлди. Кейинчалик бу гуруҳга Чумачек билан Ставничий ҳам қўшилди. Шундай қилиб пул ишлаш бошланди.

— Коваль — Ставничий эмас, — прокуратурада тушунтириш беради Радченко, — айтганимни қилади. Наригиси эса пулни олиб ҳам ваъдасини бажармай кетаверарди. Тўғри, Коваль ўзи эмас, қўл остидагилари орқали қиларди. Пул керак бўлиб қолса, менга аста шипшитарди: «Хом ашё топ» — бу мушкул шароитга тушиб қолган бирор кишини топиб бергин, дегани эди. Ставничий эса мижозларини «хом ашё» эмас, бошқачароқ деб атарди. Масалан, пул керак бўлиб қолса, келиб: «малай топгин, пул керак бўлиб қолди» дерди.

Мижоз, хом ашё, малай...

Уларнинг ўн бир нафари судланувчиларга пора бергани учун қора курсида ўтирибди.

1988 йилнинг 22 мартида УССР Олий Совети Президиуми судья Ставничийни, 14 ноябрь куни вилоят суди раиси Ковални, кейинчалик Чумачекни қамоққа олишга розилик берди.

Терговда бошқа нарса ҳам аниқланди: Николаев вилоятида «Радченко ва К°» фирмаси билан рақобат қиладиган бошқа бир фирма — М. М. Сатановский компанияси ҳам бор экан. (Унинг иши ҳозир судга оширилган ва март ойида кўриб чиқилади).

Михаил Михайлович Сатановский 1943 йилдан 1976 йилгача ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилди. Терговчиликдан гарнизон прокурори даражасигача кўтарилди. Кейин пенсияга чиқди ва Николаев шаҳар Жовтнев ноҳиясида ҳуқуқ маслаҳати ташкилотида мудирлик қилди. Оқловчи бўлиб ишлади. Бугун эса Николаев ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари мансабдор шахсларига умумий миқдори 45135 сўмлик 27 та пора беришни уюштирганликда айбланмоқда. У бу пулларни тегишли одамларга узатаман, деб аслида чўнтагига уриб қолган.

Тўғри, Н. Коваль Николаев вилоят ижроия қўмитасининг ички ишлар бошқармаси ГАИ терговчилари группасининг бошлиғи, эндиликда судланган В. Голобородько, Николаев ноҳия халқ судининг собиқ судьяси Е. Марков ҳам пора олганлар, кўплар олган. Аммо гап бунда эмас.

Эътибор қилинг-а, Сатановский 45 мингдан кўпроқ пулни «еб кетган». Унинг уйини тинтув қилишганда 23200 сўмлик қимматбаҳо нарсалар ва аллакимларнинг номига омонат дафтарчалар топилди. Улардаги пулнинг умумий миқдори... 120 минг (!) сўмни ташкил қилади. Демак, тергов ҳали қарийб 100 минг сўмлик бойликнинг қолган меросхўрларини топиши лозим.

Коваль гўёки тўққиз марта ҳаммаси бўлиб 20 минг сўмлик пора олган. Бироқ, унинг уйи тинтув қилинганда бор-йўғи 5638 сўмга омонат дафтарча чиқди, холос. Чумачекдан умуман пул топилмади. У гўёки 5 кишидан 9 «бўлак» олган. Сатановский омонат дафтарчалар эгаси кимлигини айтмаётир. Балки буни суд аниқлар?

7 февраль куни мамлакат Олий суди аъзоси О. М. Данилов раҳбарлигидаги СССР Олий Суди жиноий ишлар бўйича суд ҳайъатининг сайёр сессияси иш бошлади.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса — ахир судьялар суд қилинаяпти-я! Шаҳар ва вилоятнинг адолат посбонлари!

Бироқ, Николаевга келишимнинг асосий мақсади, порахўр судьялар устидан олиб «борилаётган ишни шунчаки кўриш эмас, балки бу жараённи ичидан туриб кузатиш эди. Мен ўзим кўп йиллар давомида оқловчи бўлиб ишлаганман. Шунинг учун мени масаланинг бошқа томони қизиқтиради. Юқори малакали фақиҳлар устидан суд кетяпти. 11 нафар оқловчи уларни ҳимоя қилаяпти. Демакки, суд ҳайъатининг кичик бир хатосидан ҳам айбланувчилар жуда ўринли фойдаланиб қоладилар. Бу иш суд жараёнидан кўра кучли рақибларнинг шахмат партиясини эслатади.

Иш тугагунча айбланувчилар ва суд аъзолари билан мусоҳаба уюштиришга ҳаққим йўқ. Шунинг учун мен иккинчи давлат айбловчиси В. В. Шкуро ва Чумачек манфаатларини ҳимоя қилаётган Николаев вилояти адвокатлар ҳайъатининг оқловчиси В. А. Апостоловга «Суд кенгаши аъзолари учун нима асосий муаммо бўлиб турибди?» деган савол билан мурожаат қилдим.

— Энг аввало обрў масаласи, — дейди Владимир Викторович, яъни асосий муаммо ишнинг маънавий томонига бориб тақалади. Чунки ҳар қанча бетараф бўлиб қолмай, барибир бирга ишлаган ҳамкасбларингни қора курсида кўриш оғир бўларкан.

— Яна бир зиддият, — қўшилди В. А. Апостолов. — Суд тугайди. Чумачек айбдор, деб ҳам топилди дейлик. Хўш, кейин мен у суд ҳайъати раиси сифатида чиқарган қарорларга қандай муносабатда бўлишим керак? Ахир уларнинг кўпини ҳозиргача ноқонуний ва хато деб биламан. Улар юзасидан бир неча бор кассация ва назорат инстанцияларига мурожаат қилганман. Энди менинг аҳволимни тасаввур қилиб кўринг-а!

...Айбланувчилар шахслари ва улар нима сабабдан айбланаётганликларининг икир-чикирларига тўхталиб ўтирмаганимни муштарийлар сезган бўлсалар керак. Мен атайин шундай қилдим. Негаки, улар ҳали судланганлари йўқ. Демак, ҳозирча сиз-у биз каби фуқародирлар ва уларни фақат айблов қарори ўқиб эшиттирилгандан кейингина жиноятчи деб аташ мумкин. Балки бундай қарор умуман ўқилмас. Қисқаси, вақт кўрсатади. Суд ишини тугатса, бир хулосага келармиз. Ҳозирча... Ҳозирча эса бу суд жараёнини занглаб кетган, эски усулда суд юритиш ишларимизни зангдан, моғордан тозалаш жараёни, деб аташ мумкин.

Сергей ПЕТРОВ.
Николаев.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Газетанинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: «Комсомольская правда» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ, «Ёш ленинчи» газетасининг ходимлари Ф. РАҲИМОВ, Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, М. АБДУСАМАТОВА, С. РУСТАМОВ, Ф. ТУРНИЕЗОВ, А. КАРИМОВ, А. СУЛТОНОВлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.

Д. — 23189.
Р — 03131.